

ЭРКИН ҚОСИМОВ

**ЁЛГИЗЛИККА
МАЛҲАМ
МИСРАЛАР**




Қосимов Эркин Умарали ўғли

**Ёлғизликка
малҳам
мисралар**

ЯНГИ АСР АВЛОДИ

ТОШКЕНТ

2022



Масъул муҳаррир:

Тоҳир Малик—

Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси.

Такризчилар:

Анора Махмудова – ўқитувчи, Ўзбекистон Қаҳрамони;

Абдуқаххор Ибрагимов - драматург , ёзувчи,

Ўзбекистон санъат арбоби,

Одилхон қори Юнусхонхожи Исмоилов,

Тошкент шаҳар бош имом хатиби“Шайх

Зайнидин”жоми масжити имом хатиби


Шукрулло Ҳожи Убайдуллаев – шоир

“Ёлғизликка малҳам мисралар” ён дафтаридаги битиклар.

Рисола муаллифларининг ҳаёт тажрибаси, ҳамда доно улфатлар суҳбати, радио -телевизор ўғитлари, бадий асарларда ёритилган муаммоларни фалсафий ечимлари асосида ёлғизликда қалам тебратиб битилган ён дафтаридаги доно сўзлар мажмуасидан иборат.

Ушбу фалсафий-доно сўзлар тўпламида ақл-донолик калити, онг ва фикрлаш, камтарлик, ҳалоллик, устозларни улуғлашга доир, шунингдек, ёлғончилик, порахўрлик ва уни қоралаш каби тубан иллатлар фалсафий таҳлил қилиниб ёзилган.

Ёшлар тарбиясида икки қондош Ўзбек ва Турк халқларининг абадий дўстлигини тарранум этувчи ушбу китоб барча ўқувчилар, шунингдек олий ва ўрта-махсус таълим ўқув юртлари талабалари учун маънавий ва маърифий ишлар борасида ўқув қўлланма сифатида тавсия этилади.



Мангу дўстлик

Элни иноқ қилмоқ, Юртбошим
Шовкат нияти,
Бешта эл тинчлиги
Юртим нияти.


Қўшни давлатларни ,
рахбарлари хам,
Дўстлик ипин улашда,
Бўлдилар хамдам.

Ўзбегув- тукманлар,
Қирғизу-турк
Кўп асрлар тожик,
Яшаган иноқ.

Бу эзгу аъмолни,
Ардоқлаб илғор
Яна Шарқда яқдил
Яшамоқ даркор.

Бирлашиб қардошлар
Улуғ амалга,
Бешта халқ кўл узатди,
Хур истиқлолга.

Дўстликка имкониат ,
Берилди яна
Дўсту қадрдонлик,
Қилди тантана.



Шарқда беш миллатни
 ўстирган диор,
Буюк келажакка ,
 Боқар умидвор.

Беш кўлдек бирлашди,
 Беш улуғ миллат.
Энди бошга тушмас,
 Айрилиқ, аламу-кулфат.


Дўстлик қалби ила
 Давлат безанди,
Имон нури билан,
 Шавкат қувонди.

Доно бўлди Юртбошим,
 Харбир жихатдан,
Раҳматлар ёғилмоқда,
 Харбир элатдан.

Бешта эл рахбари,
 Бўлса тотув,мард,
Шарқимни шанига,
 Тушмагай ҳеч гард.

Бу Шавкат кашф этган,
 Чин даврон бўлди.
Бошлар кўкка етган,
 Хур замон бўлди.

Доим омон бўлсин,
 Юртбошимдаин зот.
Қиёматга қадар,
 Сийласин хаёт.



Ёмонлик кўрмасин,
Кўрмасин завол
Завол тилаганлар,
Бўлсинлар увол.

Бешта юрт ғамхўри ,
Юртбошлари бор.
Мустақил давлатда,
Жасур фидокор.

Жонин аямаслар,
Ватанни дебон,
Бешта улуғ рахбар,
Беш ахли имон.

Бирлаштирди Шавкат,
Беш элатни у,
Шараф-шон тилаймиз,
Гулласин мангу.

**Шукурулло Хожи Убайдуллаев,
Эркин Умарали ўғли Қосимов**

СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон ва Туркия Президентларининг оламшумул эзгу ғоя ва ниятлари аста – секин рўёбга чиқаётганни ҳалқларимиз онгида келажакда фаровон ҳаёт пойдеворини қураётганимизга ишонч туғилаётганлигининг амалдаги исботидир. Шунингдек, ёшларни келажакдаги орзу умидларини рўёбга чиқаришдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзияевни бир қатор фармону-қарорлари бутун жаҳон ахли эътиборини



тортаётганлиги шахс ва жамият маънавиятининг устуни эканлигидан даракдир.

Шундай экан, ёшларимизни асрашимиз лозим, улар қалбини тўлқинлантираётган муаммоларни ўрганишимиз, илғор мафкураларни халқимиз онгига сингдиришимиз лозим. Уларни иймонсиз, ёвуз оқимлардан асраш “гуноҳ билан савоб” ишлар фарқини таҳлил қилиб тушунтириш каби буюк вазифалар ҳаёт ўчоғида чиниққан доно оқсоқоллар, олиму-фозиллар зиммасидадир.


Жаҳон халқлари тараққиёти жараёнида мислсиз заҳмат чеккан Имом Ал-Бухорий, , Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Абу Наср ал-Фаробий, Абай Қунонбоев каби юзлаб исътедод ва теран тафаккур даҳолари яхшилик билан ёвузлик фалсафасини яратдилар. Уларнинг доно сўзлари инсон ақлини чиниқтиради ва ҳар кимни бунёдкор бўлишга етаклайди.

Сиз ўқиётган “Ёлғизликка малҳам мисралар” китобида оқилу-фозил, доно инсонлар суҳбатларидан йиғилиб, ёлғизликда фалсафий озуқа берадиган ибратли сўзлардир.

Инсон ҳаётида минглаб ҳар хил табиатдаги одамлар билан учрашади, куюқ суҳбатлар қуради. Уларни феъл-атвори, насл-насаби, маъданиятини таҳлил қиласиз ва сўзлар маъносига эътибор қиласиз, сўнг уларни барчасини умумлаштириб унинг маънавияти ва мафкурасига баҳо берасиз. Шунингдек, ойнайи жаҳонда кўрсатилаётган барча кўрсатувлар, театр, кино сабоқлари ва ҳар турли қувончу - ташвишлар инсон мафкурасини бойитади ва ҳаёт фалсафаси сени янада чиниқтиради, донолар боғида сайр қилишга етаклайди.

Ҳаётнинг ўзи ҳам худди сахнадаги ўйинга ўхшайди. Ролингни моҳирона бажарсанг, сен халқ назарига тушасан ёки акси бўлар экан.

Ушбу китоб чанқоқ ўқувчи учун бир совғадир. Албатта, шарқ фалсафаси ва адабиётида бундай йўналиш янгилик



эмас. Ўзбек адабиётида шундай жанр бир неча юз йиллар муқаддам бунёд этилган. Аммо бундай йўналишда ёзилган китоблар айтарли кўп эмас. Буюк доно алломалар айтган нодир хикматли сўзлар, мақоллар, ақл бовар қилмайдиган жуда ўткир фалсафий асарларнинг барчаси тўпланса юзлаб китобларга сиғмаслиги мумкин.

Бундай доно сўзларни ўқиб таҳлил қилсангиз улар сизни баҳслашишга ундайди. Мазмун рақобатларини кўрасиз, бир сўз иккинчисига соя солаётгандек бўлади. Натижада сизда фикрлар фалсафаси аланга олади, билимингиз янада ошади, донолар боғида сайр қиласиз ва ниҳоят ҳозирги ҳаёт фалсафасини чуқур фикрлаб, умрингиз мазмунини янги доно сўзлар билан бойитасиз.


Китоб муаллифларни ён дафтарида йиллаб йиғилган ва ижод қилинган мақола ва рисоёлаларни давоми деса ҳам бўлади. Қўлингиздаги “Ёлғизликка малҳам мисралар” мазмунан ҳозирги даврга мослаб маънавий ҳаёт манзарасига фалсафий-бадий сайқал бериб кенгайтириб ёритилган жанрдир.


Муаллифлар китобдаги мақол ёки нодир сўзларни кўр-кўрона йиғмаган, балки уларни янги мазмун бериб фалсафий бойитган, ўқувчи саволларига қисқа ва лўнда жавоб берган. Шулар қаторида мутлоқ ноёб сўзлар, фикрлар икки миллатнинг йирик олимларини улкан ақл заковати, ҳаёт кечирмалари, теран фалсафий фикрлаш қобилиятига эга эканлигидир.

Ривожланишда янги саҳифа очиб меҳнат қилаётган миришкор ўзбек ва турк халқимизда маънавий интилиш, янгиликлар яратиш ва тиниб-тинчимаслик ҳисси бор экан доно сўзлар, ажойиб ғоялар, ижобий мафкуралар туғилаверади.

Шундай экан ушбу китоб ўсаётган авлод ва халқимиз учун фойдалидир.

Саидов А.Х Академик





МУҚАДДИМА

Ижод – жуда серқирра, мураккаб жараён. Президент Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг ижодкор зиёлилар вакиллари ҳузуридаги ижод аҳлига меҳр билан йўғрилган маърузаси, унда баён қилинган теран фикрлар, фаолиятимизда асос бўлиб хизмат қиладиган ҳаётий хулосалар, тўғриси, биз қурувчи ижодкор олимлар қалбларимизда ҳам илҳом булоқларини очмоқда.

Қўшни республикалар ичида Ўзбекистон ва Қозоғистон қурилиш ашёлари йўналишида ижод қилаётган олимларнинг ижодий фаолиятлари алоҳида эътиборга лойиқ. Жумладан, Ўзбекистон республикадаги бирқатор эл назарига тушган йирик ҳамкасб олимлар орасида техника фанлари доктори, профессорлардан Э.У.Қосимов, М.М. Мирахмедов, А.А.Тўлаганов, Н.А.Самиговлар икки қондош ўзбек ва турк ёшларидан илмий кадрлар тайёрлашда ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Булар ичида профессор Э.У.Қосимов ва А.А.Кулибаев мана 30 йиллар чамаси хақиқий бродарлик ришталарини узмай 15 тадан зиёд илмий ва бадиий асарларни нашрдан чиқариб икки қондош турк ва ўзбек халқлари дўстлигига амалий мазмун бермоқдалар. Уларни касб-хунар ўқувчилари ва институт талабалари билимини оширишда ёзган дарслик ва ўқув қўлланмалари дастури амал бўлиб қолмоқда. Бундай асарларни яратишда Қозоғистон республикаси қурилиш ашёлари йўналишида фаолият кўрсатаётган етук ҳамкасб дўстларимиз ҳаммуаллифлигида жумладан -Академик, профессорлар С.М.Байбулов, В.К. Бишимбаев, Қ.А.Бисенов, А.Тшанов, Р.Б.Ергешев, ва М.Аувзов номидаги ЖКДУ "Қурилиш материаллари ва конструкциялари ишлаб чиқариш" кафедраси (мудир –доц. Кабжасаров Б.Т) профессорлари А.Р.Ахметов, А.Исмоилов ва ўқитувчилари

иштирокида яратилган ўнлаб илмий мақолаларни икки қондош олимларининг ижод хосили деса бўлади.

Мана шундай илҳом алангаси ўзбек, турк дўстларимиз, олим хамкасбларимиз даврасида, айниқса Қозоғистон республикаси давлат арбоби, йирик олим Академик Асқар Алтинбекович Кулибаев билан жуда кўп учрашувларда бўладиган сермазмун суҳбатлар қалбимизда янада кўтаринки рухий завқ, ижодимизга янги мавзулар бағишлар эди. Шунингдек, Қозоғистон республикасида элга танилган қурувчи олимлар Академиклар А.А.Кулибаев, В.К.Бишимбаев, Қ.А.Бисенов, С.М.Байболов билан профессор Э.У.Қосимов биргаликда йигирма йилдан зиёд махсус ихтисослашган илмий кенгаш аъзоси сифатида “Қурилиш ашёлари” йўналишида ўнлаб илмий кадрлар тайёрлашда ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Бундай таниқли олимларимизни келажагимиз пойдевори бўлмиш ёшларимиз маънавиатини янада бойитиш орзусида яратган китоблар, илмий ва ўқув адабиётлар қондош ўзбек ва турк халқимизнинг ўзаро дўстлик ришталарини янада барқарорлигини таъминлашда катта ахамият касб этади.

Ушбу “Ёлғизликка малҳам мисралар” китобда ҳаёт фалсафаси билан инсон рухияти доно олимлар онгида таҳлил қилиниб, халқга ҳикматли сўзлар сифатида ёзилган. Демак, инсон фаолияти ушбу сўзларда ўз аксини ёритади. Чунки, булар ҳар кунги ҳаётимизда содир бўлаётган “бахт билан бахтсизлик” курашини, “саломатлик билан беморлик” ва “яхшилик билан ёмонлик” зиддиятларини кўрган, эшитган ва доно одамлар томонидан таҳлил қилиниб ёзилган ҳикматли сўзлардир.

Ушбу китобни ёзишда Асқарака билан ҳарбир сўз ва жумла устида жуда кўп фикрладик, таҳлил қилдик, адабий,



фалсафий мазмун киритиб қайта ишлаб бойитишга ҳаракат қилдик. Жуда кўп миллатларнинг доно файласуфларини ҳикматли сўзлари битилган китоблар, мақолалар, хикоя ва шъеру-ғазалларини биргаликда ўқидик, таҳлил қилдик ва ушбу рисолага замин яратдик.

Бундай ҳикматли сўзлар сиз хоҳлаган вақтда хотирангизга келавермайди, келган тақдирда ҳам уни фикрлаб таҳлил қилаолмайсиз. Бунинг учун Худо берган фалсафий фикрлаш қобилияти, сўзларни онгли равишда таҳлил қилиш каби нодир фазилатларга эга бўлмоқ зарур.

Доно улфатлар ва олимларнинг мазмунли суҳбатида бўлиш, инсон рухиятини ўрганиш ва таҳлил қилишга доир учрашувларда қатнашиш ва ҳар турли оила муаммоларидан боҳабар бўлиш каби ишлар бизга “Ёлғизликка малҳам мисралар”ни ёзишга илҳом берди.

Айниқса, ўзбек ва турк архитектор ва қурувчи олим дўстлар даврасида бўладиган очиқ суҳбатлар ва мулоқотлардан кейин бундай сўзларни кўп қисми ёддан кўтарилмасдан қоғозга ёзиб қўяр эдик.

Бундай ижодий суҳбатлар ҳосили бўлмиш ушбу “Ёлғизликка малҳам мисралар”асарни ўқиб, Сизнинг маънавий онгингизни бойитишда излаган сўзларни топган бўлсангиз ва унга амал қилиб, қалбингиз ила онгингизда бир оз бўлса ҳам ўзгариш сезсангиз, демакки меҳнатимиз зойига кетмабди, деб қувонамиз.

Бундай сўзларни ўқиб ва унга амал қилсам, ақлли бўлиб қоламанми, деб эҳтиросга берилманг. Бунинг учун ҳаёт ташвиш ва қувончлар синовидан ўтиш керак бўлади.

Бу китобни шеър сингари тез ўқиш керак эмас. Уни осоишта ўқинг, таҳлил қилинг, фалсафий мазмунига эътибор беринг. Ҳар жумладан сўнг фикрланг, мисоллар изланг, ҳамкасб суҳбатдошлар, улфатлар ва оила даврасида

таҳлил қилинг. Шундагина бу сўзларни асл маъносига тушунасиз ва у сизда қизиқиш уйғотади. Кейин хотирангизга ўрнашади ва ниҳоят амалда фойдаланасиз.

Албатта, шунга ўхшаш ибратли сўзлар жуда кўп. Истардимки, сиз ҳам ҳаёт тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда ҳикматли сўзларингизни йиғиб боринг ва улуғ ёшларга етган чоғингизда одамларни онгли бўлишига ёрдам берувчи мана шундай рисолалар ёзасиз, деган умиддамиз.

Олиму фозиллар- йўлдош бўлинг хар кун,

Аллоҳим асрасин, сизларда ғам бўлмасин.


Ўзбегу- турк бир йўла етингиз ниятингизга,

Бахтимиз ичра орамизга доғ тушмасин.

Ушбу рисола яратишда ўзининг қимматли маслахатлари, инсоннинг ҳаёт фаолиятида бўладиган муаммоларни онгли равишда, одилано хал қилишга доир фикрлари билан уртоқлашган барча ҳамкасб олимлар ва доно дўстларимизга самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Рисола камчиликлардан ҳоли эмас. Агар бизга фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборсангиз, миннатдор бўламиз.

МУАЛЛИФЛАР



ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИНГ СИРЛАРИ

Ёлғизликдаги қалам излари

Ота меҳри билмай ёшлигим ўтди.

Она меҳри ила босдим қадамлар

Янги ҳаёт сари етаклаб кетди.

Бешафқат ҳаёт ўтқизган дамлар

Омадлисан, эркинсан, Аллоҳга шукр

Чиниқтирдинг тангрим, яна бир шукр.

Босган изларимга бердинг сен мазмун,

Билгинки доноликдир пешонангдаги муҳр.

Онамнинг дилида, тилида бўлмаган қаҳр

Отамнинг дилида меҳр, тилида қаҳр бўларди,

Унинг сўзларида қаҳр ила сезардим меҳр

Дили ичра яширинган меҳр бўларди.

Ижод қайнар худди булоқдек,

Ёлғизликка ором беради

Намланмасин кўзларинг ҳеч чоғ

Қалам тебратавер савоб бўлади.


Миллатчилик миллатни инновацион ревожланишини
тўсувчи ғафлатдир

.***

Ақлни кўчадан териб ол.

* * *

Очиқ чеҳра, ҳусн, шинам либос сенинг илк
тавсифномангдир. Буни ақл бошқарса, унда сенинг абадий
тавсифноманг бўлади.



* * *

Ақлсизни пайқадингми,
демак ақлинг бор.
Нодонлардан нари бўл,
доноларга бўлгин ёр.

* * *

Тилингни ақлингдан олдин сўзлашига йўл қўйма.

* * *

Алданаётганизни пайқадингиз, демак Сиз ундан кўра
сезгир ва айёр экансиз.

Ақлли одамлар суҳбати янада қизиқарли бўлади, агар
улар ўртасида ишонч бўлса.

* * *

Ақл Аллох берган насл-насабдан бўлса , ҳаёт мазмуни
ирода- онгдандир.

* * *

Насл-насаб доно бўлса,
ундан доно туғилар,
Насл-насаб жохил бўлса ,
ундан золим туғилар.

Ҳудо берган ақл бўлмаса, бировнинг ақли билан узоққа
бориб бўлмайди.

* * *


Виждони йўқ инсонга,
ақл ҳам даркор эмас,
Ақли будлар уларни,
ҳеч қачон ҳамкор демас.

* * *

Ақл бошқарувида фикрлаш қобилияти- насл-
насабдандир.

* * *

Ақлли бўлишни истайсизми, фикрлашни ўрганинг.



* * *

Бор ақлингизни амалда ишлатмасангиз, у занглайди,
фикрлашдан ҳам қоласиз.

* * *

Нодону-донолар билан суҳбатлашсангиз ақлингиз
чархланади.

* * *

Ақл мезони амалда қилган мазмунли фаолиятингиз
билан ўлчанади.

* * *

Ақл кўпларда бор, аммо ақл билан иш юрутиш ҳаммада
бўлавермайди.

* * *

Ярим ақл соҳиби -хар вақт жиддий, ҳазлни ва кулгуни
билмайдиган, арзимас нарсага хуноб бўладиган ёки
қувонадиган бўлади.

* * *

Ақллилик туғма бўлар,
Зехн эса мухитга боғлиқ.
Ахмоқ билан суҳбат қурсанг,
Қалбинг доғлар, кетади соғлиқ.

* * *


Ақлни чиниқтирмасангиз, у сизни ташвишларга ўраб
ташлайди.

* * *

Ақлни чиниқтириш учун табиатни чин қалб билан ҳис
этинг ва уни яратилиши тўғрисида фикрланг,кейин
жамиятни шаклланиши билан боғланг ва оилани
бошқаришни ўрганинг.

* * *

Биз Саид- беклармиз асли,
Ақл, идрокка бой,
Ахмоқдан олмасанг ақл,
Ҳаётинг бўлади вой




* * *

Бегоналар ақли билан иш тутиш, қарз олиб яшашга ўхшайди.

Ақл бошқарувида меҳрли бўлинг

- Энг юксак меҳр бу Аллох меҳри
- Меҳр ибодатдир
- Бахт -меҳрли инсонлар орасида яшашдир.
- Фидоилик бўлсагина меҳр уруғлари хосилга киради
- Рухингиздаги Меҳр тўлқинларин улашинг.
- Меҳр ила ёндошсанг дўстлик иплари узилмас.
- Меҳр берсангиз хаётингизга мазмун киради ва баракали бўлади.
- Сухбатдош қидирсанг Сени тушунадиган, меҳрли одамни топ..
- Меҳрни табассум билан улашинг.
- Меҳр кечиришга йул очади.
- Меҳр хасадни хавасга йўгиради..
- Фарзандлар балоғат ёшига етгунга қадар ота-оналарда Меҳр тўлқинлари кучли бўлади..
- Меҳрни хосиласи одамийликдир
- Ёшларни тарбиялашда Ота-боболаримиз- “Меҳр дилда, қахр эса тилда бўлсин” дея, насихат қиладилар.
- Меҳрли бўлсангиз соғлиғингиз яхши бўлади.
- Меҳр соғлом кексаликнинг пойдевори
- Меҳрсиз меҳр ололмайсиз.
- Меҳр оила аҳиллиги.
- Меҳрлар бирлашса, у тинчлик посбони бўлади.
- Меҳр бойлик хазинаси.
- Меҳр ёлғизликка малхам.
- Меҳр тилда, сўзлар охангида, табассумда, нигохингиз ва либосингизда ҳам бўлмоғи лозим..



- Мехр ила аёлларни тушунасиз, севасиз ва севимли хам бўласиз..
- Донолик мехр онасидир.
- Мехрли бўлсангиз, сизни севувчилар кўпаяди.
- Мехр билан қахрни енгса бўлади.
- Доноликдаги Мехр ила “Мехрибонлик”- бирламчи, “Севги, мухаббат эса”-иккиламчидир.
- Мехр омад гарови.
- Мехр ила сингиган бадан ором олади.
- Ерга қадалган ниҳол уруғи ҳам мехрга зор.
- Дилингиздаги мехрни ҳайвонлар тезроқ илғайди.
- Мехрли бўлай десанг, ўзинг хал қилаоладиган муаммоларни дўстинга юклама.
- Мехр маданият ва маънавият хазинасини бойитувчи фазилатдир.
- Мехр- оила посбони.
- Мехрли бўлсангизгина сизда онг ва маданият уйғунлашади.
- Мехр “Зоти-олийлар” авлодининг пойдевори.
- “Зоти-олийлар” мақомини олишни орзу қилсангиз мехрли бўлинг.
- Мехрли ва билимли инсонларгина хаёт шартларига мослашаолади ва бажаради.
- Мехр панди-насихатлар онаси.
- Мехрли бўлсангизгина халқ ўртасида обрўйигиз ошаверади.
- Фарзандлар тарбиялашнинг энг осон усули -уларга мехр билан ёндошинг ва ўрناق бўлинг.
- Мехрли бўлсангиз кайфиятингизни бузувчилар камаяди.
- Мехр билан ёндошсангиз душманингиз дўстга айланади.
- Мехрли бўлсангиз Сиз аёлларнинг сирли дунёсига осонлича кираоласиз.

-Мехрли бўлсангиз хусни-жамолингиз ёришади.

-Ғам-ташвишларингиз давоси-мехр

-Муҳаббатдан кейин мехр-мехрибонлик кўша-қаришнинг гарови.

-Таббасум ва мехр ила ширин сўз билан мурожат қилинг, мушқулингиз осон ечилади.

Икки эшик орасида “ёмонлик билан яхшилик”

Аксариат кўпчилик ёшлар ўзларидаги ғайри-табiiй ахлоқни ва буни акси ўлароқ яхши хулқга оид одатларини сархисоб қилиб тахлил қилишни билмайдилар. Бунинг учун оила айниқса ота, мухит ёки устозлари танбиҳи уларда зийракли бўлишликни, яхши ва ёмон ахлоқни фарқига боришни, ўз тенгқурлари орасида ўзининг ўзлигини англашига туртки бўлади. Мана шундай ёшларни ёмонлик остонасидан яхшилик томон интилишларини ихтиёткордик билан гапириб тушунтиришимиз лозим. Бугина эмас, хамкасб, ёру-бродарларингизни мехри оқибатини, яхшиликлар қилишга одатланган хулқларини, бағри кенглик, хуш муомилалик инсоний фазилатларга эга эканликларини минбардан гапиришдан тортинманг. Қарабсизки, тезда ундаги фъел-атвор ва одобида бундай исломий хислатларни уйғунлашаётганини ва одатга айланаётганлигини сезасиз.

Яхшини яхши десанг,

Янада бўлади яхши,


Ёмонни ёмон десанг,

Янада бўлади ёмон,

Харбир мўрғак чақалоқ,

Хамма учун яхшидур,


Аммо ёмон инсон



қандай пайдо бўладур.
Изланг жавоб ўзингиздан,
оилаю-мухитдан.
Эру-хотин меҳрингиздан,
ақли-хуш билимингиздан.
Бўлса Сизда бундай,
донолик хислатлари
Кўпаяр оилада яхшилар,
бўлмайди ғам иллатлари.
Ёмонни ҳам яхши денг,
Яхшилик ниҳоли унар,
Меҳр ила боқинг унга,
Оқилу фарзанд унар.
Тарбияда бўлинг зийрак,
Меҳри-ғиёсиз қолмасин
Ғафлатда қолсангиз агар,
Сўнг пушаймон бўлмасин

Инсон ақли қуйидагиларда намоён бўлади:

- табассум ила ширин муомулада,
- ўтган аждодларинг руҳини шод этиб ,уларни эзгу ниятларини амалга оширишда,
- ўзлигини англаб унга риоя қилишда,
- ота-она розилигини олиб уларни орзу-истакларини амалга оширишда,
- ўз сирларини кимга айтишни билишда,бошқалар сирини сақлайбилишда,
- ишхона рахбари ва ходимлар обрўига эришишда,
- кўп фикрлаб кам сўзлашда,
- мажлисларда зарурият бўлмаса,жим ўтиришда.



Ақл-идрок ва истъдод икки хилдир: бири табиий- ота- онадан туғма бўлади, иккинчиси-касбий- хаёт тажрибаси билан эришилади.

Ишлатилмаган ақл, ўғирланган ақл.

Гоялар- ақл маҳсулотидир, аммо тадбиқи – фикрлашдадир.

* * *

Жим туриш ҳамма вақт ҳам ақллилик белгиси эмас, аммо нодон эмаслиги аниқ.

* * *

Баҳслашаётган икки одамни айбдори ақллироғидир.

* * *

Ақлли одам билан нодонни фарқи муаммони ҳар хил йўл билан ечишлигидадир.

* * *

Ўз ҳаётини бошқалар ақли билан бошқаришга уриниш- нодонликдир.

* * *

Озгина очлик, ҳаракат ва юриш инсонни фикрлашга чорлайди.

* * *

Иродани бошқарувчи онгдир.

* * *

Аксарият инсон ўз билимининг пастлигидан эмас, иродасизлигидан эзилади.


* * *

Ирода кеккайган одамни ҳам енгишга қодир.

* * *

Оғир кунда сабр қилиб,
яшашни билгин.

Тўқлигингда қорни очга,
беришни билгин.



* * *

Бир томонлама айтилган шикоят ва ғийбатларга ишонма, шубҳа ҳам қилма...муносабатингни бузма. Керак бўлса иккинчи томонни ҳам эшит, кейин хулоса қил...

Қарзга олинган пул хосиятсиз, ҳамда бебарака бўлади.

Ишчанлик ва бағри кенглик соғломликда умрингизни узайтиради ва мазмунли қилади.

* * *

Бахтли ва бахтсиз кунларни Худонинг синов кунлари эканлигини унутманг.

* * *

Мол дунё мерос бўлиши мумкин, аммо бахт эмас.

Илм агар қалбга урса, хикмат бўлади,
Илм агар танга урса, иллат бўлади (-Б.-Билойн)

Ўзгаларни хатоси эмас,
Ўзигникин изла.
Гар ёмонлик қилса нодон,
яхшиликни кўзла.

* * *


Инсон феъли
мукамал бўлмас,
Нодонлардан
хеч кўнгил тўлмас.

* * *

Маида бахтсизликлар ҳаёт мувозанатини бузади,
фикрлашга ўрин бермайди. Каттаси эса фикрлашга мажбур этади.

* * *

Пок ниятли инсонлар юзида,
нур бўлар.



Қалби бузуқ инсонлар ,
юзида сур бўлар.

* * *

Кундалик вақтингни нимага сарфлашингни билсам,
сенинг кимлигингни айтаман.

* * *

Қалбинг безовта, вахимада, чарчаган унга дам бер,
бахтли онларни эсла, сайр қил,кўнгил ёқтирган дўстинг
билан доно сўзларни тахлил қил, бахслаш акс холда сени
рухиятинг муозанати бузилади, халоват йўқолади.

Муסיқани севмаган инсон ҳар томонлама етук,
маданиятли ва одобли экан деса, ишонманг.

* * *

Ҳар бир кўпол, танқид сўзларга гўзал либос кийғизиб
ҳазил билан гапирсангиз, хато қилган одам унга тегишли
эканлигини ўзи сезади.

* * *

Дилдагини тилда қисқа изоҳлаш -санъатдир.

* * *

Нотиқнинг сўзлари шунчалик ўткир бўлсинки, уни
эшитувчилар ўз аксини кўрсин.

* * *

Онгли инсон мийяси 800 та мурувват билан
бошқарилади, дейдилар, ишда 200 та,уйда 99 та мурувват
ишлатилса, оилада ҳотиржамлик ва қувонч ҳукм суради.


* * *

Ўз миллатингни севиб улуғлаш – бошқа миллатларни
камситиш эмас.

* * *

Миллатлараро фан -техника, маърифат ва маъданият
ўзаро самимий бирлашса, буюк давлат барпо бўлиши
мумкин.

* * *



Ақлни жадаллик билан ишлаши таваккалчиликда
намоён болади.

* * *

Меёридан кўп ўйлаб иш юритилса, ақл чигаллашади,
одамни чақғитади.

* * *

Одамзод яратилибдики давлатни бошқариш эркаклар
зиммасида, аммо улар ўз аёлларингиз назоратида
эканлигини унитманг.

* * *

Фикрлаш ва ўйлашни чегараси фалсафий онг билан
таҳлил қилишдир. Акс ҳолда, у ҳом ҳаёлга, яъни бирон-бир
ғояга бир томонлама жон дили билан берилишидир.

* * *

Бирор бир ғояни фалсафий таҳлил қилиш керак бўлса,
аввало унга ишончсизлик, гумон билан ёндошинг, шунда
ҳақиқий ечимга эришасиз.

* * *

Фалсафада миллийлик борми десак? Бор деган,
бўлардим. Чунки , миллий ғоя бор.Миллий ғояларни амалда
қўллаб дун’ёга танилган буюк аждодларимиз бунга
мисолдир.

* * *

Юксалишга қаратилган ғоя ва муаммоларни билимли
одамлар фалсафий таҳлил этиб берадилар.Билимсиз эса ўз
фикрини айтади, аммо у шамчирокдек эртасига ўчади.


* * *

Бахтни ушлаб қололмадингми уни қувлама,етолмайсан.

* * *

Ҳақиқий эркин ва мустақил бўлмоқчимисан, аввало
қонунни бузма, кейин ҳеч қачон қарз олма.Қарз билан
яшаганнинг келажаги бўлмайди.

* * *



Келажакка ишониб яшайдиган одамлар бор экан, умидлар албатта рўёбга чиқади. Ниятга ишонч билан яшанг, умидсиз бўлманг, кайфиятга қараб яшаманг.

* * *

Ҳеч ким билмайдиган хато ва нуқсонлар негизини тузатмасангиз, феълингизга ўрнашиб одат бўлиб қолади.

* * *

Жамоа муҳаббатини қозониш буюк санъатдир. Бунинг учун одамлар феълени ўрганиш ва мослашиш, жиддий ва қувноқ одамлар қалбига йўл топиш, сиёсий ва ижтимоий муаммоларга доир суҳбатларда одилона бўлиш, сизда ғийбат ва хасат аломатлари мутлоқ бўлмаслиги каби ҳислатларни ўзингизга сингдиришингиз керак бўлади.

* * *

Одамларни бошқаришни хоҳласангиз, ички салбий ҳиссиётларингизни йўқ қилишингиз, табассум ила сўрашиш, кечиримли бўлиш ва хизматчиларга ҳамманинг олдида танбеҳ бермаслик керак.

* * *

Одамлар феъли ҳар хил. Ҳар бирига мос муомила қилишни ўрганинг.

* * *


Ёлғизлик-эркинлик. Ундан тўғри фойдалана олсангиз, баҳра оласиз, мақсадга эришиш осонлашади, иш унумли бўлади.

* * *

Ёлғизлик – фикрлашни онаси. Одамларга меҳр булоғи очилади. Қилган хато ва савоб ишларингни сарҳисоб қилишга имкон беради. Ижод ва ҳавас туйғулари кенгайди.

* * *

Ёлғизлик меёридан ошса – ёмон.



Яхши туйғулар ўрнига ёмон ҳаёллар кирабошлайди.
Оромингиз бузилади.Мазмунсиз ёлғизликни бир кунлик
“роҳатида” чарчайман.

Аёлларни камсўзлик безар
Кўп гаплик суҳбатни бузар..

* * *

Яхши одамларга эътибор қилинмаса фаолияти сусаяди,
нодонлар эса жиний ишга кўл уриши ҳам мумкин.

* * *

Ҳаловатсиз ҳаётни танлаган серфикр олим, фалсафа
билан шуғуллана олмайди, чунки унинг ҳаётини ўзи
фалсафадир.

* * *

Камбағалнинг бойлиги унинг кўп болалигидир.

* * *

Ҳаётда қанчалик маънавий хазинасини бойитсангиз,
кейинчалик уни шунчалик кўп сарфлашга интиларкансиз.

* * *

Инсонларни нодонлиги,
қариганда билинар.
Суҳбатидан қалбинг вайрон,
юррак бағринг тилинар.

* * *

Аксарият, артистлик авлоддан-авлодга ўтувчи касб,
ёзувчиликда буни акси.Нега?.


* * *

Классик кўшиқларни тингланг, асарларни ўқинг,
ўзингиз сезмаган ҳолда ақл доирангиз кенгаяди, фикрлашга
ўрганасиз.

* * *

Зерикиш, аксарият мазмунсиз ёлғизликда бўлади.

* * *



Маънавий бойликга ,кўпроқ ёлғизликда эришасиз.
Маъсулиятли бўлсангиз, ёлғизлик дақиқалари иш унумини
оширади.

* * *

Доно одамлар ёлғиз бўлиб қолсалар ёки аёли ношукур
бўлиб оила тинчлигини бузса, бундай эркаклар файласуф
хам бўладилар.

Қуйи ва устки нафсингни доноликда бошқарсанг хурмат
иззатга, юқори мансабларга эришасан, акс холда обрўйинг
кетеди, сени хасталикка етаклайди.

Нафсинг қули бўлдинг,
Тирик қолди фақат тан,
Аммо ҳароб айладинг ични,
Ўзлигингга бердинг панд.

Севги, ҳусн, давлат вақтинча,
қадрига етайлик бу кун,
Куйиб, қайнаб дард ила,
афсусланмайлик эрта кун.

Аллоҳ амри ила севиш бўлса,
ниятингга етасан,
Қалбингга аён бу ишинг,
севганингни оласан.

Севги йўлинг тўғрилигин,
англаб олганга қойил,
Демак, билдинг роҳатлигин,
қалбинг бирликка мойил

Ҳар бир одам ўзининг таржимаи ҳоли билан
мазмунлидир.



* * *

Архитектура-дизайн-бу тарих, гўзаллик, санъат
гулдастаси, инсон руҳининг мусиқасиҳамдир.

* * *

Миллатни дунёга танитувчи- буюк шахслардир.

* * *

Динга гумон билан ёндашаяпсизми, демак сиз Аллоҳни
тан олмаяпсиз.

* * *

Эски удум, расм ва одатларни аста-секин сарҳисоб
қилиб хозирги ҳаётга тадбиқ қилиш истиқбол сари
интилишдир.

* * *

Таржимонлар миллатлараро маънавият уруғини сочувчи
посбонлардир.

* * *

Онг ва фикрлаш – ақл ҳосиласи, бадавлат бўлишлик –
фикрлаш ҳосиласи.

* * *


Нафс – инсон танасининг остки ва устки бўлаги орқали
оромбахш этади. Бу йўлда ақл ва идрокни ишлатилмаса
одам бошига кўп мушкул ташвишлар ёки жиноий ишлар
тушади. Нафс инсон онаси, “ақл” инсоннинг отаси. (Ж.
Румий сўзи)

* * *

Билмадим нега қалбим қоронғу,
уни ёритувчи шамчироқ қайда.
Қидирдим, чарчадим эй воҳ,
тангрига шукур қил, бўлади фойда.

* * *

Ҳаяжонга эҳтиёт бўл,
сени қамраб олмасин,
Нодон бўлсанг чалғитиб,



довдиратиб қўймасин.

Нотиқ бўлиш истасанг,
пухта бўлсин билиминг,
Нутқ сўзлашдан олдин,
ўйла маънолими сўзинг.

* * *

Ёлғизлик – фалсафий фикрлаш, оқимга қарши сузиш.

* * *

Оилада тинчлик бўлмаса сен хотиржам бўлмайсан, сен хотиржам бўлмасанг ижод алангаси бўлмайди.

* * *

Дунёга келдинг-кетдинг,
сарҳисоб қилдингми ҳаётинг,
Кўз ёшига арзирмикан бу,
изсиз ва номсиз турмушинг.

* * *

Бахтни қадри ночор бўлсанг билинади.

* * *


Эй инсон фарз айла,
яхшидир ўқимоқ,
Ҳосилин ишлат,
савоб бўлур ўқитмоқ.
Оёқ қўлинг ишлат,
ақл ила ўрганмоқ,
Ибодатдир билгил,
қанчалик кўп ўргатмоқ.

* * *

Инсон онгининг тафаккури фалсафа фанининг ҳосиласидир.

* * *

Миллий тилимизни поклайлик, боболаримиз тилларини ўрганайлик, “Мустабитлик тилларига ўрганиб қолганмиз” дейишлик ғофилликдир.



* * *

Миллий атамаларни бойитиш – маърифий маданиятимизни янада юксалтиришдир.

* * *

Кўп демакдан кўра, кўп сукут афзалдир.

* * *

Маърузангизни билимли одамлар ҳам тинглаётганини унутманг. Йўл қўйган ҳатоларни топинг ва тузатинг.

* * *

Сўз – юрак калити, калит эса – ақл қўйнидаги фикр. Ақл кўрсатмаси билан қулф ишга тушади.

* * *

Нодонни сўзи ёқмаса, бир мурруватингни олиб эшит..

* * *

Ношукур- ҳамма вақт ҳаётдан нолиб яшайдиган одам. У ҳечқачон бахтли бўлаолмайди.

Мусаввирни яхши асарига қарасангиз у сўзлайбошлайди, тикилиб таҳлил қилган сариз у ўз сирларини очабошлайди.

* * *

Қўлга кийгизилган кишандан, тилни боғлаган кишан азоби оғирроқдир.

* * *

Шаҳсий фойдага интилиш, асосий манфаат бўлиб қолаверади.


* * *

Халққа танилган улуғ одам зикна ва ҳасис бўлса, аёл-беномус, ғийбатчи, эркаклар эса ёлғончи бўлса ҳаёт мезони бузилади.

* * *

Виждон – иймон посбонидир. У адашса қалбни куйдиради. Билинг! Сиз ҳамма вақт виждон назоратидасиз.

* * *



Ит ичган сувга қўлимизни ҳам ювмаймиз, аммо
беъҳабар бўлсак ичаверамиз. Нимадир танаввул қилганда
“банияти шифо” деб Аллохни эсланг.

* * *

Китоб – билим ва фикрлаш ҳосиласидир.

* * *

Китоб – ёлғизликка малҳамдир.

* * *

Китоб – фикирлаш ва таҳлил қилиш қобилиятингизни
оширади.

* * *

Ҳарқандай маънавий азоб инсонни чиниқтиради, ақлини
равшан қилади.

* * *

Ўжарлик нодонликдан далолат.

* * *

Тил – қул, ақл – подшо. Тилингизни тишламанг унда
айб йўқ, ақлингизни йиғинг.

* * *

Бадавлат бўлишни истайсанми, муҳтожмисан, меҳр
уруғини экавер.

* * *

Фикрлаш қобилияти ожиз одам билан баҳслашма.

* * *

Ёлғизликдаги яширин дардларимга малҳам – мумтоз
куйлардир.


* * *

Бошим ичра қайноқ фикрларда ҳаловат йўқ. Бу фикрлар
найзадек ақл ва қалб қўрғонигакириб
ухлаганхужайраларимни янада тебратиб тинчлигимни
бузади, менга дам бермайди.

* * *

Касалликнинг уруғи-мазмунсиз ёлғизлик.

* * *



Нотиклик ва сермазмун нутқ санъати кучли воситадир,
аммо унга эришмоқ учун ақл ва фикрлашни билиш керак..

* * *

Доно фикр юритиш ақл бошқарувида бўлса,
фикрдошинг дилидаги мақсадини, билими ва меҳр
оқибатлилигини сезиш мумкин.

* * *

Ҳечқачон қовоғингни осмагин,
гердаймагин,
Иймонингни алдаб,
хато унда демагин,
Маънавият-ила
ўзлигингни англагин,
Англа яна
иймонинг ила боғлагин.

* * *

Ғалаба қилишни истасанг кечиримли бўл.

* * *


Инсон учун яратилган бу дунё – гўёки бир сахна, унинг
бошланғич иштирокчилари ёввойисимон
бўлган,хозиргилари эса келажакни кўз ўнгингизда моҳирона
акс эттираётган артистлардир.

* * *

Афсус нодонлар кўча тўла ақлни тераолмайдилар, чунки
уларда зеҳн ва фикрлаш қобилияти заифдир.

* * *

Қани энди барча диллар ,
бўлса зийракли,
Тошни ҳам ёрувчи билимли,
бўлса ақлли,
Бўлмас эрди ер юзинда,
фалокату тошқинлар,
Қани энди ҳамма бўлса,



серфикрли, зехнли.

* * *

Ҳар ким ўз онгининг сардори, ўз айбини тан олмаслик ва бошқага юклаш нодонни ишидир.

* * *

Оила бетинч, чунки аёл ва эркак бир-бирини тушунмайдилар. Сабаби – ота-она тарбиясидаги нуқсонлар ва ҳаётдан ақл йиғламаганликларидир.

* * *

Исрофгарчиликнинг ҳамма тури ёмон, айниқса ачинарлиси-умр исрофгарчилиги.

* * *

Шукур қилиш – аслида ўзинг, кейин яқинларнинг яхши ёки ёмон кунларини сархисоб қилиб фикрлаш ва бирини кўриб сабр қилиш, иккинчисини кўриб шукр қилиш деганидир. Боболаримиз, бойларга ҳасат билан эмас “ҳавас билан қараб фикрла” деб онгимизни бойитган. Биз энди фарзандларимизга шу йўсинда тарбия беришимиз керак.

* * *

Ёлғизликдаги бахт тўла бахт эмас.

Рухий заифлик қалб хасталигига олиб келади., ижодсиз ёлғизлик эса аста-секин соғликни кемиради.


Хечким ёлғизликда тўла бахтли бўлаолмайди.

Ёқимли мумтоз ашула ва куйлар қоронғуликка ёруғлик, сукунатга қувонч, ёлғизликка малҳам, орзу-умид ва бахтли кунларга ишонч туйғусини уйғотади.

* * *

Виждон - иймон посбонидир. У адашса қалбни куйдиради. Билинг Сиз ҳамма вақт виждон назоратидасиз.

* * *



Талантли ва истидотли одам ўқимаса ҳам артист бўлаолади, чунки уни ўқитадиган биз. Барча одамларнинг фаолияти артистлик эмасми.

* * *

ЁЛГИЗЛИК

Суҳбатдошим бўлсайди,
дардлашай дейман.

Қалбим ичра, доно сирлар
сўзлашай дейман,


Ором ила уйқу боғида,
ётгим келади.

Мен ҳам сиз каби,
кулгим келади.

Қани энди кўм-кўк майса далада,
Қаҳ-қаҳ кулсам дейман,
Дўстлар бағрида, ором ила
уйқу боғида, ётгим келади.

Мумтоз куйлар боғида,
ширин сўзлар бўлсайди,
Қалби порлоқ дўстлар,
ўйин-кулги қилсайди,
Мен ҳам улар бағрида,
яйрагим келади.

Чарчаб қолган онларда,
пиёла чой берса дейман,
Қалбимдаги дардларга,
малҳам бўлсайди дейман,
Суҳбат қилиб у билан,
хамдард бўлгим келади.



Ишласанг, ижод этсанг,
дардларинг кетар,
Бўш қолганда, эй-воҳ,
кўнгил неларни истар,
“Йўк” дедим, кўлда қалам,
ижод қилгим келади.

Дилу-тилимдан чиққан,
тилайман эзгу ниятлар,
Мўмин бандангман мен
“шафоат қилгин”,
Тақдир эзса хам майли
шукур қилгим келади.

Дардларим ҳам қувончим,
кимга айтайин,
Айтганда, улардардин,
қандай тинглайин,
Хаёлсиз,фикрсиз
юргим келади.

Асқар: -“Дилинг ичра аламлар,
Бўлмасин”- дейди,
“Эй Эркин ёлғизман дема ,
оқил фарзандларингбор,
Умринг ичра эл назмида,
бўлгинг келади”.

Ха, Аллохга шукур, фарзандларим
улар меҳрли,
Феълу-атворим тушуниб,
Мен билан бўлсайди,
Сезмасдим ёлғизлик, ёки
сухбатдошим бўлсайди.




Ҳар эшикдан қани энди
 қувонч кулгу янграса,
Мотам овозлар эмас,
 онаалласинкуйласа,
Бола-чақа атрофда
 хамма бирга кулсайди

На қилай қувончни юлғувчи
 тақдирда ҳам бор экан,
Аллоҳ берсин сабр бизга,
 бу кенг дунё тор экан,
Бахтли кунларни эслаб
 дардимга малхам бўлсайди.

Ёлғиз қолсанг дўстларим
 фикрланг ақл қошида,
Меҳнат қилинг мутассил,
 қарздорсиз Аллоҳ қошида.
Пок виждонли одамлар
 яна кўпайиб кетсайди.

Ёлғизликда кўпроқ ишла,
 ёлғизлигинг сезмасин,
Соғлигинг кўпроқ ўйла,
 қадди-қомат сўлмасин,
Соғ бўлсанг кераксан
 хамма билиб қўйсайди.



ИҒВОҒЕРЛИК ВА ЁЛҒОНЧИЛИК–ЖАМИЯТ бузғунчилари

Қилган хатоларни таҳлил қилмасдан тан олмаслик аҳмоқликдир.

* * *

Нодонларни бетайин гапларига донолар эътибор бермайдилар.

* * *

Нодон ва ёлғончилар ичида жим ўтитган маъқул.

* * *

Ёлғончи одамлар билан баҳслашмаган маъқул.

* * *

Насл-насаби паст, бойлик кўрмаганлар билан тадбиркорлик қилмаганингиз маъқул.

* * *

Дангаса ҳар доим бир ишни қидиради, аммо тополмайди.

* * *

Дангаса архитектор ва қурувчидан ҳудо асрасин.

* * *

Хатога етакловчи шайтонга эмас, савобга йўлловчи тангрига боқ.

* * *


Гумроҳ одам мусибатга учрагандагина Худони эслайди.

Зоти,насли-насаби паст, безорини тарбиялашга урунма, фойдаси йўқ обрўйинг кетади.

Насли-насаби улуғ, “кўзи” тўқ нодонни тарбияласа бўлади.

* * *

Ёмон ҳаёлларга борма, ёмон фикрлашдан қоч, акс ҳолда сени ёмон ишларга етаклайди.



* * *

Бундай хаётингни ҳам
 охири бордир,
Бир лахза эканку
 бу бахтли дунъё
Доимо яшай десанг
 имконинг йўқдир,
Тан ол, халолликда яша
 савоби кўпдир.

Ёмонлик қилишни фикрлашнинг ўзи, ислом дини
қонуниятида жиноятдир, кони гуноҳдир.

* * *

Шундай даврлар бўладики ёлғон ҳам ғалаба билан
яшайди. Аммо, бундай ёлғон ғалаба албатта инқирозга
учрайди.

Ҳақиқатни топишни истасанг, хатолар гирдобини
тахлил қилиш керак.

* * *

Ҳақиқатни бошланғич даври аччиқ, кейингиси ширин ва
гўзал бўлади.

* * *

Камчиликларини ва қилган хатоларини тан олганлар
ҳақиқатга тезроқ яқинлашади.

* * *


Хатоларингизни тан олиб, ҳақиқат йўлига ўта олсангиз,
қалбингиз покланади.

* * *

Нодон, жоҳил одамни ақли жигал ва моғор тортган
бўлади.

* * *

Бир ишда иккита кичик хато қилдингиз, кечирса бўлади,
учинчиси кечирилмайди.



* * *

Эзмада ёлгон кўп, ёлгон эса бахтсизликнинг онасидир.

* * *

Ёлгончининг хотираси кучли бўлади.

* * *

Ҳар вақт тўғри сўзловчи одам учун ҳамма нарсани ёдда сақлаш шарт эмас.

* * *

Ярим тўғрилиқни ошкор этиш қийин.

* * *

Ҳақиқатни бўрттирувчи ёки бошқача қилиб изоҳлаш ёлгоннинг энг ёлгонидир.

* * *

Ёлгоннинг дўсти – айёрлик.

* * *

Ёлгончи учун ёлгондан бошқа ҳамма нарса зерикарлидир.

* * *

Қўрқув билан яшаётган одам бахтли бўлаолмайди.

* * *

Ўзида қўрқувни ҳис этган одам қурувчи бўлмагани маъқул.

* * *

Ёлгончиликга илк қадам қўрқув остида бўлади.

* * *

Ахмоқни ҳаёт тарбияламаса насихат бефойда, яни кўр олдида шам ёқиш билан баробардир.


* * *

Ёлгончилик билан ғийбат, асли соф виждонни букаолмайди.

* * *

Ҳақиқат ҳамма вақт ёш ва навқирондир, у ўлмайди.

* * *



Номаъкул ишларни қилаётган одам, аввало ўз виждони билан маслаҳатлашсин.

* * *

Жамиятни энг одил суди-- маҳалла оқсоқоллар кенгашидир.

* * *

Маълумотнинг қирқ фоизи тасдиқланмаса -туман бўлади, умуман тасдиқланмаса --ёлгон бўлади.

* * *

Лақма ва эътиборсиз одамлар китоб ўқимайдилар.

* * *

Сирли ва махфий ишлар билан банд одамлар ёлгон сўзларни кўп ишлатади.

Тўғрилиқ, рост сўзлаш – виждон онаси. Бундай одамларга тухмат, ёлгон иллатлар юқмайди. Бундай хислат ўзлигини билганларга хос.

Ёлгонни ростдек ифодалаб ишонтирган одам қаллоб ва фирибгардир.


Жамоа кўпроқ бўхтон, миш-мишларга ишонади.

Ҳурофий одам ирим-сиримларга ишонади, миш-мишлар тарқатиб бидъат вазият туғдиради.

Нодонларни фақат амалиёт хулосалари билан тарбиялаш керак.

Лаганбардорга – “мени кўп мақтама, дилингда бўлса шу гапларни минбардан гапир”, деб айтинг.

“Мени юқорида султонларим бор”, деб одамларни чўчитиб яшашлик разилликдир.



Ақлинг бұлса қилган хатоларингни тан ол, узр сўра.
Акси бұлса, сен билмаган холда ишонч йўқолади.

Бахтсизликни чегарасини топаолмадингми, дархақиқат
бахтсизсан.

Эгри қадамни биринчиси қийин, кейингиси осон, охири
вой.


Ёлғонга ўрганган кўнгил,
ўзи учун чинга айланур.
Ҳақиқат учун курашдим деб,
ҳаёти ғурбатда қолур.

Биринчи ёлғон виждон азоби,
иккинчиси дилни қийнагай,
Кейингиси бўлди ҳасадга даво,
ёлғончи мақомин олди бедаво.

“Ёлғончи юзи,
қаро бўлди”- дейдилар,
“Юзи тоза-ку,
қораси қайда”-, дедилар.
Дилию-фикри қаро,
аммо кўринмас экан,
“Хасад ила ёлғонни,
касб қилди”-, дедилар.

Кўзингдаги ёш ёлғон,
алдама мени,
Юзингдаги қора холинг
сўзлар ҳақиқат.

Афсус қил,



фарзандлар бахтин истасанг,
Дилинг поклигинг кўрсат,
сўзла ҳақиқат.

Ёлғончи дўст – омонат дўст.

* * *

Биринчи ёлғон-виждон азоби, ўрганиб қолсанг - дўзох азоби.

* * *

Ёлғон ишлатмаган одам бўлмайди, аммо уни савоб йўлига ишлатган маъқул.

* * *

Ёлғончилар ичида бўлсанг, сукут сақла ёки мен рост сўзлайман демаганинг мақул.

* * *

Билагинг ожиз бўлса , безорини ёлғончи дема.

* * *

Олқишлар, мақтовлар
қилдик хардам,
Хақиқат овози
ўчди шу дам.

* * *

Ўз манфаатини кўзлаган қулоқ “эшитдим” дейди; кўз эса гийбат ила тухмат қилиб “кўрдим” дейди.

* * *

Кичик бир парча булут қуёш нурини тўсганидек, кичик ёлғон жамият тинчлигини бузиши мумкин.


* * *

Гийбатчи захда қолган арига ўхшайди. Унга эътибор бермаганиз мақул. Акс холда, у сизни чақиб олиши мумкин.

* * *

Гийбатчини сўзига ишонманг, у хасадчининг онаси.

* * *



Ғийбатчи ва хасадчини тарбия қила кўрманг.Фойдаси
йўқ.Улар хасад тамғаси билан ўлади.

* * *

Ғийбатчига ишонсанг шарманда бўласан.

* * *

Кичик ғийбатчиларни йўқ қилмоқчи
бўлсангиз,каттасини одамлар ичида шарманда қилинг

* * *

Дангасанинг кайфияти, ёстиқ- тўшакни кўрса
кўтарилади.

* * *

Одамзодни чеккан азобларининг онаси – ёлғон ва
бўхтон сабабли урушлардир.

* * *

Аксарият,ёлғон ва бўхтон ўқлари, содда ,бағри кенг
одамларга тегади.

* * *


Ёлғончини сири очилиб қолса, у яна ўнлаб ёлғон ва
бўхтонларни ишга солади.

* * *

Содда ва доно одамлар ёлғон гапираолмайдилар ,акс
холда уларни юзи ва кўзи ёки сўзлаш оханги ошкор қилади.

* * *

Ярим ёлғон - ёлғондан ёмон.



ТАЪМАГИР ВА ПОРАХЎРЛАР– коррубцияни боши

Жиноятчи ёки ўғри ҳам ақлли бўлади.

Аммо уларнинг ақли ва табиати шу йўналишда ишлайди.

* * *

Ўғридан кўра нодондан зарар кўпдир.

* * *

Жамиятни орқага тортувчи ўғрилар эмас, жоҳилу нодонлардир.

* * *

Маъсулиятни ҳис этмаган инсон ишёқмас, дангаса бўлади, кейин у таъмагирга айланади.

* * *

“Бой бўлсам ҳотам бўламан” – деган ваъдани кўплар унутадилар.

* * *

Ҳаром бойликка интилиш ташвишга йўл очишдир.

* * *

Ҳаром бойлик асабни ва маънавийатни бузади.

* * *

Порахўрлик- адолатни синдирар,

Адолатлик- ҳақиқатни ундирар.

Ҳаром бойлик роҳатнинг заволидир.


* * *

Нопокликла келса бойлик,

Хаёт бўлмас чиройлик.

Керагидан кўп бойликдан воз кечиш – қаҳрамонлик, фалокатнинг олдини олишдир.

* * *



Гуноҳга бошлайдиган йўллар юз мингта, савобга бошлайдиган йўл битта.

* * *

Ғийбат инсон қалбига азоб беради.

* * *

Майда хатоларни зудлик билан йўқотинг, каттаси фалокат келтириши мумкин.

* * *

Лаганбардор жиноят учун муҳит яратади.

* * *

Лаганбардор қармоғига илинган раҳбар, ўзини химоя қилолмайди.

* * *

Лаганбардор ниқоб кийган порахўр, таъмагир ва ўғрига ўхшайди.

* * *

Лаганбардорнинг ҳаёти ачинарлидир.

* * *

Лаганбардор – раҳбарнинг нигоҳини тутувчи, ҳар бир сўзига “ура” деювчи, ҳамма ҳаракат ва сўзларига қарсак чалувчи, унинг ёнида эгилиб турувчи, кулфат келганда қочиб кетувчи кимсадир.

* * *

Ҳаммани мақтаган ва башарангга қараб сени кўкларга кўтарган одамдан эҳтиёт бўл.

* * *

Порахўр билан таъмагирнинг виждони -ўпқон.


* * *

Виждонни шаклланиши онгдан, агар онг ўғри ёки порахўр бўлса, виждоннинг эркинлиги йўқолади.

* * *

Порахўр ва таъмагир виждон кўзини кўр қилади, ҳалолман, деб қасам ичади.

* * *



Ҳалоллик очикдир, уни ҳамма кўради, нопоклик эса пинҳонийдир.

* * *

Ҳалол яшаган одам қариликда виждон азобида бўлмайди.

* * *

Таъмагир ва порахўрлар ҳалол одамларни ёқтирмайди.

* * *

Порахўр билан таъмагирнинг қурган уйи буюрмайди.

* * *

Ҳалол одамлари кўп бўлган жамият давлатни бойитади.

* * *

Раҳбар ёқтирмаган одамлар тўғрисида уйдирма гапларни айтувчи -пасткаш лаганбардордир.

* * *

Таъмагир ва порахўр покликка даъват қилса, адолатнинг синганидир.

Чўнтаклари битта бўлган порахўр ва таъмагирларни, ҳамда биргаликда зино қиладиганларни “дўстлиги” узок вақтга чўзилади.

* * *

Қурьон, конституция ва қонунларни ўз фойдасига мослаб яшаш жамиятни инқирозга олиб келади.


* * *

Таъмагир ва порахўр ҳақиқий олим қадрига етмайди.

* * *

Тасодифан, сабабсиз прократура чақирса ҳаётингда қилган барча хатоларингни сархисоб қилабошлайсан. Аксарият бундай ҳолат пок одамларда рўй беради.

Таъмагир, порахўр ва ўғрилар қопқондаги сирни ёйишга интилган сичқонга ўхшайди.



Ҳар бир одамнинг ақли, ижтимоий ҳаётидаги ўрни, ночор, оч ва тўқлигига кўра ўзининг бахтли кунлари бўлади. Очлик азобидаги одам бир бурда нон билан ўзини бахтли эканлигини айтади. Бадавлат одам эса озгина мол-мулкини йўқотса, ўша куни ўзини омадсиз, бахтсиз деб билади.

Тасодифан келган бойлик инсонни бахтли қилаолмайди.

Тасодифий бойликни орзу қилиб, хаёл сурувчилар девоналикдан нишона.

Ўз хатоларини тан олмай ,сархисоб қилмасдан омади келмаса – айбни тақдирга қўйиш нодонлар иши.

Аллоҳ деганларнинг ҳаммаси ҳам мўмин бўлавермайди, ўғри ҳам Аллоҳ деб ишга киришади.

Раҳбар ўз атрофига лағамбордорларни йиғса, у яқинда жиноятчилар ичида бўлади.

Алдадинг, ўпирдинг,
топдинг дунёни,


Халқуминг харом ,
улғайди бадан.

Гўзал хаётга,
шукур қилмадинг,

Гурбатга айланди,
нопок хаётинг.

Ёмон фикр, хунук уйғу ва ножўя хатти – ҳаракатлар бекорчиликнинг мевасидир.

* * *



Таъмагир ва порахўрлар талабчанг
бўлаолмайдилар. Ударда сохта такаллуфлар ва ваъда кўп
бўлади.

* * *

Хасис одам очкўз бўлади.

* * *

Пора олаётган одам ёки таъмагирни кўл чўзиб шу
дақиқадаги ахволини тассавур этаолмайман. Харом пул оила
аъзоларини халқумини хам харом қилади. Улар бошига
янги ташвишлар келтиради.

* * *

Ўқитувчи дили пок , ўзи пок ва халол бўлмоғи
шарт. Акси бўлса, ўзи билмаган холда оила азолари бошига
кулфатлар тушиши аниқ.

* * *

Хайрли ишда мурруват қилдинг ва киши билмас миннат
хам қилдинг, демак сен пасткаш одамсан.

* * *


Маза-маза нодонга “маза”.

* * *

Қуронни ўқиб чўнтакка солинган пулни “рахмат” деб
олиб кетишлик хам “кони гуноҳ”- дейдилар.

* * *

Куни кеча Москвада сохта олимлар учун илмий даража
дипломларини метро бекатларида сотилаётганлигини
эшитдим. Тавба одамларга нима бўлаяпти?



КАМТАРЛИК ВА БАҒРИ КЕНГЛИК –ОНГ ВА МАДАНИЯТ ОНАСИ

Осмон кўлингда бўлса ҳам ғурурланма.

Юмшоқ табиатли одамнинг феъл-атвори қаттиқ бўлади.

* * *

Феъл-атвори бўш одамни тузатиб бўлмайди.

* * *

Умуман феъл-атвори йўқ одамни ҳидсиз ва рангсиз
гулга ўхшатаман, ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин.

* * *

Камтарлик билан ғурурлик ошно бўлса, самимийлик
ҳукм суради.

* * *

Инсон қалби гар самимий ,
султон қиладур

Қалби бузуқ гар иғвогар,
чаён бўладур.

* * *

Кеккайган димоғли одам ўзини оддий деб таърифлайди.

Менсимаслик- ҳақоратни, онаси.

Камтаринлар- адолатни боласи.

Камтар инсон, гўзал хулқли бўлади.

Олим инсон келажакни ўйлайди..


Гердайган одам муҳтожларнинг ташвишларини
тушунмайди.

* * *

Менсимаслик ва жирканиш ҳақоратларнинг онасидир.

* * *

Гердайганни билими,паст бўлади.



Манманларни хурмати, хас бўлади.

Бир умр ўз ҳайкалимизни ясаймиз, аммо
нуқсонларимизни кўрсатмаймиз.

* * *

Ҳайкалимиздаги яширинган нуқсонларни
ҳамкасблардан тортиб, маҳалла аҳли яхши билади.

* * *

Сенинг кимлигингни маҳалладан яхши биладиган
жамият йўқ.

* * *

Маҳалладан ажралган одамни “ёввойи одам”- дейдилар
ёки саҳрода адашган девомага ўхшатаман.

* * *

Хаё йўқда виждон бўлмас,

Зиё йўқда иймон бўлмас.

Ўзлигингни билишни истасанг ғурурлигинг ва
соддалигинг меъёрдан ошмасин.


Икки бахслашувчига қараб билимли ва нодон одамни
билса бўлади.

Одамни феъл-атвори ва табиати ундаги иродани
шакллантиради.

Ҳар бир эркакда бир озгина болаларга хос феъл-атвор
бўлса – у содда, самимий ва қувноқ ҳамдир.

Инсон қанчалик ақлли ва ахлоқ-одобли бўлса, у ҳар вақт
ҳаётдан мамнун, кундалик ишидан лаззат олиб яшайди.

Бахтли ҳаёт йўқ, бахтли ой-ю йиллар бор.



Садақа берсанг

Аллохимни ғазаби сўнар.

Фалокатни даф этсанг,

ҳаётинг бахтга тўлар.

Инсон вазиятга қараб эмас, балки ҳар вақт ҳалол, софдил ва пок бўлмоғи лозим. Бундай одамларга бағри кенглик ярашади.

Ақлли, билимли ва пок одам матонатли, кучли ирода сохиби бўлади, аммо унга “отиладиган тошлар” кўп бўлади.

Гердайган одам ўзини кимлигини билмайди, унинг қалбига қўл солсанг, бармоқларингни тозалаш керак бўлади.

Соғ-саломатсан, оиланг тинч, хавф-хатар йўқ, демак бахтлисан. Буни қадрига ет ва шукур қил.

Оқилона танқид қилса,

хурсанд бўл,

Гар қалби пок,


ундайларга узат қўл.

Эркин ва бадавлат яшаяпсизми – зийрак бўлинг.

Ҳақиқий эркинлик фақат фикрлашда бўлади.

Ўйлайман, нега кайфиятим яхши, дилим қувнайди?
Билсам, кимгадир яхшилиш қилган эканман.

Қилган яхшиликлар билан мақтанишлик, эшитувчига “мен сенлардан яхшироқман” дегани.



Хеч яхшилик қилмаган одам сени мақтаса ишон.

Жиддий вазиятда бирор нарсдан воз кечиш ёки рози бўлишлик феълингизни яхшилигидан нишона.

Яхшилик ҳамма вақт бўлмаса, у эскиради.

Ўзинг хоҳлаган нарсани ололмадингми демак, берганини олавер.

Тежамкорни хасис дема,

Хасис билан таом ема..

Ўзига юқори баҳо бериб, бошқаларни тан олмайдиган киши-худбин ғурурлидир.

Уруғлар ичида қайсиниси тиканли ёки ёқимли хидли гул эканини билмайсан. Одамнинг ички дунёсини билиш ҳам уруғга ўхшаш ўта сирлидир.

Қарздор бўладиган одамлардан маслаҳат олманг.


Эл эозлаган улуғ инсонларнинг кичик хатолари кўринмайди.

Ўжарлик –нодонлик.

Ўта соддалик доноликка соя солади.

Ўзини меъеридан ортиқ яхши кўрадиганларда рашк кучли бўлади.

Нодон ҳам сени мақтаса, у ақлли экан дейсан.



Сир тутган гуноҳларингни душманинг яхши билади.

Ёмонлик қилган афсусда, уни кечирган хотиржамликда.

Эътиборсиз ва лоқайд одамлар яккланиб қолади. Бундай одамлар на яхшиликни ёки ёмонлик қилишни билади.

Ёрдам сўрамаганга ёрдам қилма.

Камситиш ва бошқалар ҳисобидан биринчиликка интилиш худбинликдир.

Сиздек халққа танилган бообрў одам жамият ичида кўринмай қолсангиз,” қайерда кўринмай қолдила, солиғи яхшими,” деб хунук хаёлларга борадиганлар кўпаяди.

Дилингни яралаб руҳий азоб берган инсон, кейин узр сўраб афсусланмаса, демак у ёмон инсон.

Бир соат ухлаб олай десанг, бир соат эзма билан ўтир.

* * *

Ғўдайган, хасадчи ва хасис одамларни ўта жахли чиқса, кўйиб берсанг вахший ҳолатга ҳам ўтиши мумкин.

* * *

Хақиқат фикрлашда, муҳокамада ва бахслашишда сайқаллашади ва асли хақиқат пойдевориға айланади.

* * *

Хақиқатга осон эришиб бўлмайди. Айрим “дўстлар” рақибга айланиши, бошқалари самимий дўст бўлиб қолиши ҳам мумкин. Бахслашиш, камситиш, ҳақорат ва дўқ-пўписалардан кейингина хақиқат камол топади.

* * *


Бегона одамдан гумонсирадингми, демак сен яхши билан ёмонни ажратишда фикрлайсан. Яхшилик қилишга интилучи одамсан.

* * *

Хар нарсага гумон билан қарашлик сенга бўлган ишончни йўқотади.

* * *

Сахийлик ва хотамлик деганда ўзига керак нарсани мухтож одамга беришни тушунмоқ керак.



ҲАСАД БИЛАН ЭМАС, ҲАВАС БИЛАН ЯШАНГ

Ҳақиқий курувчи бойлар кўпайсин дейди.

* * *

Ҳавас билан ҳаёл суриб яхши ниятлар қилсанг, орзулар
ила руҳий дам оласан.

* * *

Баҳслашишда ҳар хил фикрловчилар бўлмаса, ҳақиқатга
эришиб бўлмайди.

* * *

Оғир жисмоний меҳнат эмас, қалб дарди одамни
чарчатади.

* * *

Ҳасадчини дўсти бўлмайди,
Ниш урмаса кўнгли тўлмайди.

* * *

Ҳасад қилиб бахт учун курашманг, ҳавас билан бахт
пойдеворини қуринг.

* * *

Баҳслашишда насл ва насаб, бой ёки камбағал, мансаб,
унвон ва одамнинг обрўйи инобатга олинмайди. Бунда
ҳамма баробар бўлиши керак.

* * *

Иримчи одам дилингга ғулғула солади.

* * *

Аксарият ғийбатчилар – ҳасадчидир.

* * *

Сени ғийбат қилган билан баҳслашма,у билан алоқани
уз.


* * *

Ғийбатнинг умри қисқадир.

* * *

Ғийбат гирдобида бўлмаган одам йўқдир.

* * *



Қанчалик халқ назарида бўлсангиз, ғийбат қилувчилар кўпаяди.

* * *

Ҳар вақт ўзингизга танқидий назарда бўлинг, ғийбатчилар камаяди.

* * *

Бепарво ва лоқайд одамлар ҳаёт ташвишларидан азият чекмайдилар, улардан на фойда , на зарар бор.

* * *

Лоқайд одамлар сотқин ва қотиллар билан ҳам дўстлашаверадилар.

* * *

Ғийбат, тухмат, мансабпараст оқпадар Улуғбекдек одил давлат арбоби кўксига ханжар урди, Рудакийдек даҳонинг кўзини ўйди, қанчадан қанча буюк олимларга жабр берди. Тарих шунчалик саҳий экан, буларни сақлаб келмоқда. Шира кўзларимиз очилган бўлса, ғийбату-туҳматга йўл берманг.

* * *

Ўнта жиноятчи ичида ҳимоясиз, муҳтож одамга кўпроқ айб кўйилади.

* * *

“Юмалоқ” имзосиз, пинхоний хатлар ёзиш насл-насаби паст одамларга хос.

* * *

Гина сақлаш –одобсизлик ва пасткашлик ҳамдир.

* * *

Ҳасадгўйга яхшилик қилиш донолик ва насл-насаби покликдан нишона.


* * *

Фикрлашга ожиз одамлар эзма бўлади.

* * *

Хасис одам қурган уйда нуқсонлар кўп бўлади.

* * *



Хасис бойда ҳеч вақт ҳаловат бўлмайди.

* * *

Ҳавас қилишни билмаган қурувчи чиройли уй қуролмайди.

* * *

Ҳасад билан яшайдиган одам ҳар вақт касалдир.

* * *

Сен ҳасад қилувчига азоб берай десанг, ўз муваффақиатларингни бўрттириб гапир.

* * *

Ҳасадчи ҳаддидан ошса, у қотиллик ҳам қила олади.

* * *

Ҳасадчи сени хатоингни бўрттириб ёзади.

* * *

Азоб гирдобидан чиқай десанг, ҳасадчиликни ташла.

* * *

Ҳасадчи меъмор – дўстининг зинапойасини қийшиқ қуради.

* * *

Ҳасадгўйлик одам қалбининг (ракидир) саратон касаллигидир.

* * *

Нопок одамлар жуда тез танишиб оладилар, ҳалол одамлар ҳам шундай.

* * *

Иккита кимсадан қўрқманг- душмандан ва ҳасадчидан.

* * *


Ҳавас қилгудек шинам либосда бўлсангиз, қўпол сўз ва хатти-ҳаракатлар қилишга ботина- олмайсиз.

* * *

Қалбга яхшиликларни режа қилсангиз, танга малҳам берган бўласиз.

* * *

Ҳасад ила бахт учун курашиб,



Бўлди бахтсиз ташвиш ила сиқилиб.

* * *

Хасадчи -ўзини-ўзи камситиш дегани.

Ҳаётни олидида пешқадам юраётганларга ҳавас билан қараяпсизми ёки ҳасад билан? Ўзингизни синанг.

Халқга танилган одамлар тўғрисида миш-мишлар кўп бўлади.

Ҳамма касалликларга бор даво: хасад ва худбинликка-бағри кенглик, очликка- овқатланиш, камбағалликка - меҳнат.

Хасис пул олдида хаёжонга тушади, тўлқинланиб қўйини тўлғизади, аммо тўймайди. Худди шу туйғу уни фалокатга етаклайди.

Агар ғийбат ва хасад қора мой бўлганида эди, кўпчилик қора танли одамга ўхшаган бўлар эди.

Ароқ дўконидан сув ичиб чиқсанг “ароқ ичиб чиқди,” дейдилар.

Улфатлар ичида битта хасадгўй бўлса кўнглинг беҳузур бўлаверади.

Айримлар, дўстлар

кўпайсин, дейди,


Ҳаётинг таянчи,

бисёр бўлади, дейди,

Улар ичида биттаси,

хасадчи бўлса,

Ҳаётинг ғам ила,



тўлади, дейди.

Ғурурлик ва ўзига ортиқча баҳо берувчида хасад кучли бўлади.

Хасад билки
жаҳолатдан кучлидир,
Қалбга тегса
ханжардан ҳам учлидир..

Хасад қилаяпсизми, демак у сендан кўра яхшироқ ва обрўлироқ экан.


Нодон дўстдан доно душман яхшидир,
Дўстинг агар доно бўлса, сен уларни нақшидир.

Дўстлик бор жойда хасад қилувчи ҳам бўлади.

Хасадгўйни уйида ҳам хотиржамлик бўлмайди. Мени бундай одамларга раҳмим келади.

Хасад касалликдир,
қалбингга беради азоб,
Яшириб бўлмас,
ошкор этар хулқи атворинг.
Кемириб борар юрагинг,
хасад ўтлари
Поклан инсон,
очиқликда кўзларинг.

Хасад-руҳий касалликнинг бир тури. Онгинг заифлиги, яқин одамнинг Аллоҳ берган истедодини кўриб, хасадчи руҳий азобланади ва ўзи сезмаган холда ошкора қабихликка ҳам ўтиши мумкин.



Душман очикчасига курашади, хасадгўй пинхона.

Тухмат тугуни ечилмагунча, инсон азоб ўтида
ёнаверади.

Билимли ва ақлли хасадчи одамлар кўпроқ рухий
азобланадилар. Бундайлар ўзлигини билмайдилар ўзини-ўзи
“еб” ўлади.

Душманинг ақлли бўлса – кўркма; дўстинг хасадчи
бўлса – кўрк.

УСТОЗ –БИРЛАМЧИ, ШОГИРД-ИККИЛАМЧИ

Шогирдлари кўп олим .

ғурурланса арзийди.

Гар нобокор бўлса шогирд,

хамма уни қарғийди.

Ёздинг асар, бердинг билим,

куйдинг меҳнат ўчоғида.

Қадринг билмаган шогирд,

куйдирар рухий азобда.

Кўшлар илм- фанни,

ўйинчоқ деб билдилар.

Айримлари бу кун,


сохта олим бўлдилар.

Таниш -билиш кўпайди,

ишни ортга бурдилар.

Йўл очдилар бетофиққа,

гуноҳ иш ҳам қилдилар.




Илмда кўпдир хасад,
у йўлингни тўсади.
Бундай қилса шогирдинг,
сени гўрга тикади.

Хийлаю –хасаддан,
қийналди инсон.
Қилса агар хунарин,
қўймас у омон.
Кимки қилса хасад,
ўз бошин егай,
Ўзига ҳам наслига,
ёмонлик қилгай.

Устозинг илм-у билиминга,
ҳеч қачон бўлмас муҳтож,
Аслида кийдирар сенга,
шон-у шараф тож.

Хасад ўтида ёнувчи одам бадбахтдир. Устозни
эъзозлаш услубларини одоб- ахлоқ бобидан ўқинг. Устоздан
“ олдингми” “беришни” ҳам бил. Устоз қадрини поймол
қилган шогирд иззат талаб ва таъмагир бўлади.

Билимли улфатлар,
сардори бўлдим,
Ўзгалар ташвишига,
малхам ҳам бўлдим.
Хавас қилувчиларга ,
бўлдим биродар,
Муҳтожлар холидан,
бўлдим хабардор.



Ўз устозини рақиб деб билган шогирд, ҳеч қачон ундан ўзиб обрўли бўлаолмайди.

Фан-бу барча билимлар тўплами, уни мукаммал биламан деган одам олим эмас.

Устозини 1 мартта ранжитган шогирд тақдир тўқмоғини 100 тасига лойиқ. Устозини камситган шогирд вақтлар ўтиб эл назаридан қолади.

Устоздан билимлиман дея ҳам ўйлаб кўрма, бу гурурликдан нишона.

Устозларга хамкасбларга

МОШАНСКИЙ-ЛЕЙРИХЛАР,

СЕНИНГ УСТОЗИНГ,

Илм йўлин кечиб,

ўтар қувватинг.

Илму билим ила,

завққа тўлиб сўзлайсан,

Талабалар қошида,

маънолидир сўзларинг.


Шогирдларга кўрсатган,

илм йўлин,

Кўкка кўтарган,

илмимиз кўрин,

Асрларда топилмас,




бундай устозлар,
Фан йўлинда кўрсатди,
бахт йўлин.

ЎРАЗБОЕВ муррабий,
хам яна устоздир,
Қурилишдек фанларга,
йўлчи юлдуздир,
Унга офаринлар,
жўшқин содиқлик,
САЛАМАТОВдек олим хам,
унга қиёсдир.

АНВАРУ- МАХАМАДЖОН,
чиникди илму курашда,
Чиникқан АБДУҚОБИЛ,
яратди серқирра илм,
САИД-АЛАМ ишлари бўлди,
хаммага билим,
Билму-Доно устозсизлар,
бу менинг сўзим.

НИҒМАТУ БАХРИДДИН,
илмда олди жой,
Хаммага мақтовли,
шогирдларга бой.
Сизлардек бахтлиман,
мен сизга сардор.
Устозлар қатори,
олганман бир жой.

ТЕЛЬМОН билан суҳбатда,
Ўзи тўғрилигин сўзлар.
Чунки қалби қайноқ,



илму фанни куйлар.
Халқимизнинг бахтига,
номиз ўчмасин,
Хар доим биргамиз,
ижод ўлмасин.

Устозлар мактаби бу,
хаммамиз аъзо,
Дўстмиз, хамкасибмиз,
йўқдир низо,
Ишлаймиз устозмиз хам,
илмда фазо,
Боқий бўлсин номингиз,
бўлмасин қазо.

Қурилиш жойларда,
бўлса муаммо,
Малхам бўлар,
сизнинг илмингиз,
Чидамли ашёлар,
таянч хам бўлди,
Қувват бераолган,
сизнинг сўзингиз.
ЎТКИРУ-РУСТАМларни,
эслаймиз хар дам
Улуғлик бир умр,
йўқолмас шул дам
Илмга куч берган,
МУХАМАДАМИН жасорати,

Аллох тахмат қилсин,
биз дўстларнинг хурмати.
Улар ёзган асарлар,
доимо малхам,



Рахматли бўлсинлар,
ўтган устозлар..

Нодир ашёларга тўлди,
хам бозоримиз
Устозлар улуши бор,
эслайлик ардоғимиз,
Сизлар яшайсизлар,
токи умрбот,


Ўзбекистон илм кони,
ашёшунослар.

Ашёлар илми бисъёр,
менинг дўстларим
Илми ижод мадаткордир ,
биродарларим,
Хар он эзгу тилак,
сизларга омад,
Халқимиз фахрисиз ,
хамкасбларим..

Хасадчи шогирд аслида серзарда ва фирибгар бўлади. У раҳбар бўлиб қолса борми, аввалги раҳбарларини, қолаверса ўз устозини ҳам маънавий камситабошлайди. Устознинг шогирдларига тухматлар уюштириши, нуқсонларини юзига солиш, бўлажак шогирдларига муаммолар яратиш каби бир тўла маънавий жирканч ишларни фирибгарлик билан аста-секин амалга ошириб устозига руҳий азоб беради.

Устоз қадрини билмаган, уни эъзозламаган одам,
маънавий хароб ва жисмоний бетобдир.

* * *



Мехрсиз шогирдингдан кура,вафодор итинг бўлгани
маъкул.

Гердаймагин асло ёкмас дўстинга,
Хам отанга,хам устозинга.

Устозинг хафа қилса хам , сен уни қилма хафа.

Шогирд устозидан ўтган бўлса, устоз ўз фарзандидек
мехрли бўлмоғи лозим,акс холда у хасадчидир.


Устозларнинг меҳнати беминнат.Улар билимига барча
шогирдлар мухтож.

Асли мақсад яратишдир,
орзуимга етайин
Аллохимга аён ишим,
яхшиликлар қилайин
Устоз бўлдим одилона,
устозликдан розиман,
Қалбимга ниш урган,
нодондан хам розиман.

Аслида хамманинг ҳақиқий бош устози-ота-онадир.

Устозлар хамиша машъал бўлган, шогирдларга
шамчироқ бўлиб таррақиёт йўлини ёритган.Уларга меҳрсиз
бўлиш кони гунохдир.

Шогирдларим ичида меҳрли ва бағри кенг содиқ
укаларим кўп. Шогиртлар учун 4 та шарт:-меҳрли ва содиқ
бўлиш -меҳнаткаш ва масъулиятли бўлиш.



Устоз гердайганми ёки хасадчими – демак, у сохта устоз.

Софдил, билимли устоз—хаммага устоз.

Содиқ шогирдингда - ўз аксингни кўрасан.

Устозини манавий ўлдириб “мен устозсиз қолган етимман” деб йиғлаган шогирд мараздир.

Устоз сендаги нуқсон ва хатоларингни тузатиш кераклигини айтишга ҳақли; Дўстинг сендаги ёқимсиз фъелинг ва хулқингни тузатишга маслахат беради; Душманинг эса сендаги барча камчиликларингни билатуриб сени мақтайди.

Устозларнинг ғурурлиги - уларни ёзган асарлари ва тайёрлаган шогирдларидадир.

Ўз устозини рақиб деб билган шогирд, ҳеч қачон ундан ўзиб обрўли бўлаолмайди.

.....

ЖАҲОЛАТ – ҒАМ ТАШВИШЛАР КЕЛТИРАДИ

Баҳслашишда маъданият ва одоб бўлмаса, у жанжалга айланиши мумкин.

* * *

Баҳслашишда енгилдингми, тан олишни ўрган.

* * *

Ғам- аламдан қочсанг, у сенга етиб олади. Уни юзма-юз кутиб олсангина енгаоласан.

* * *

Инсонни тушунабилишлик, ундаги ғам, ташвиш ва хурсандчиликларини сезабилишлик, жаҳолат ваҳафагарчиликларда сабр қилабилишлик -Аллоҳ берган энг улуғ неъматдир.

* * *

Ғам-алам ўтгандан кейингина хотиржамлик қадрини тушунасан.

* * *

Ғам-ташвишни эмас, хурсандчиликни ошкор қилинг.

* * *

Ғам ва ташвишни ўзига олмайдиган одам хурсандчиликни ҳам қалбдан ҳис этмайди.

* * *

Биздаги ҳис-туйғулар ичида ғам ва ташвиш ёддан жуда секин чиқади.

* * *


Ғам-ташвишга бўйин эгсангиз, у сизни осонгина синдиради.

* * *

Бир сонияли роҳат,умр бўйи ташвиш келтириши мумкин.

* * *

Роҳат дақиқалар чегарасини билган инсон, роҳатли умр кўради.



* * *

Тиз чўкиб яшаган олифта бойдан, тер тўкиб яшаган
деҳқон улуғдир.

* * *

Жаҳл чиққанда соқов бўлиш афзал

* * *

Жаҳолат буюк инсонларни ҳам назардан қолдиради.

* * *

Жаҳолатдасан ёндинг, куйдинг ва ниҳоят тинчланинг
Аллоҳга боқ ва фикрла, ўзинга савол бер-ҳаётингни
сарҳисоб қил. Умринг бино қилган хайрли ишларингни
санаб кўрчи эътиборлиси бўлса яхши, бўлмасачи
ўзлигингни билмайдиган ёмон одамсан

.***

Жаҳл ичра илмий ишга қўл урманг.

* * *

Жаҳолат ичра экилган уруғнинг ҳосили аччиқ бўлади.

* * *

Жаҳлдор инсонда кўрқув кўп бўлади.

* * *

Жаҳлдор инсон умр бўйи бахт излайди.

* * *

Ўта жоҳиллик руҳий касалликдан нишона.

* * *

Инсофга кирмаган жоҳил ва ўжар одам саратон
касалидек ваҳимага тушади, ҳақиқатни ҳамма тескари
тушунади ва ўз фикрини кўполлик билан маъқуллайди.
Аммо ўзини нодон эканлигини билмайди.

* * *

Майда бахтсизликда- зийрак бўл, катта бахтсизликда-
иродали бўл. катта бахтсизлик узокқа чўзилмайди.

* * *

Баланд овоз мумтоз ашулани безайди, сенга роҳат бахш
этади, аммо ўзаро суҳбатларда эса жанжал келтиради.



* * *

Пўписа дўқлар, таниш-билишлари билан одамларни кўрқитиб яшашлик ўта тубанликдир.

* * *

Ғам ва ташвиш азобларини татимаган одам тўла ишончга лойиқ эмас.

Туя Сизга тупурса, уни айблаб бўладими?

Одамлар билимидан кўра, уларни ўзаро феъл-атвори ва хулқи яқинлаштиради.

Негадир одамлардаги “хулқ ва феъл-атвор, фахм-фаросат” мезони ишланмаган. Уларни ишга олаётганда ушбу меъзон эътиборга олиниши шарт.

Аллоҳга шукур яхши ҳам ҳаммани ҳар хил яратди. Акси бўлганда ривожланиш бўлмасди.

Душман орттириш осон, кейин у дўст бўлолмайди.


Севгилинг душманга айланса, бошқа душманга ўрин йўқ.

Ҳаётингиздаги барча ғам, ташвиш берувчи муаммоларни жаҳолад билан эмас, фалсафий фикрлаш билан ҳал қилинг. Хатони аввало ўзингиздан қидиринг.

Ҳамма нарсага эришиш мумкин эмас, аммо унга эришиш учун умр бўйи интилиш керак.

Фикрлаш қобилияти ожиз бўлган одам билан бахслашманг.

* * *



Дилингни яралаб ,рухий азоб берган инсон, кейин
афсусланмаса, демак у ёмон одам.

* * *

Эрки чегараланмаган,иродаси суст одамнинг соғлиги
мукаммал бўлмайди.

Асал ари асалсиз келса, боши қирқилур.

* * *

Жаҳолат ва қўполлик - асаб касаллигидан дарак.

* * *

Ҳаддан ортиқ ғазаби қўзғаган одам олдида, тилингиз
остига қурт жойланг.

* * *

Жаҳолатли ва ғазабли одам раҳимсиз ва қаҳри қаттиқ
бўлади.Бундай одам оиласи бахтли эканлигига гумоним
бор.

* * *

Ғам-ташвиш ортса тана оғриғи сезилмай қолади.

* * *


Инсондаги энг ёмон хислат – этиборсизлик ва
лоқайтликдир.

* * *

Насихатни юзма – юз қилганиз маъқул.

* * *

Насихатни ёмон кўрадиганлар - хибсда.



ЎЗЛИГИНГНИ АҚЛУ-ФИКРЛАШ ИЛА ЎРГАН

“Нимадан кўрқасиз десалар, мисқоллаб йиғган обрў-иззатимни йўқотишдан”- деган бўлардим.

Бозорқилишнибилмаганларбадавлатбўлишиқийин.

Пулингнирежабилансарфласанггинабадавлатбўласан.

Улуғлар моддий ва жисмоний ғалабадан кўра маънавий ғалабани устун кўрадилар.

* * *

Маънавий “ўлим”дан сўнг, жисмоний азоб бошланади.

* * *

Олимлар, донолар ва арбоблар ҳаётини ўрганинг, фикрланг ва ўзлигингизни аниқланг.

* * *

Нодонлик ичра ўтган,
айшу -ишрат елдек ўтар,
Каломуллоҳ ила меҳнат қилинг,
барака битар.

* * *

Инсонни юзи-ю, кўзи унинг қалбини табиий кўзгусидир.

* * *

Маънавий ва ақл бойлиги, моддий бойликдан улуғдир.


* * *

Феъл-атвор ёмон одам қариликда ёлғиз қолади ёки фарзандларини қаритади.

* * *

Элик ёшгача севмадингми, қариликда болалик севгига гирифтор бўлма.

* * *



Қариликда “севаман” деб кўкракка уришлик,
девоналикдан нишона.

* * *

Очиқ чеҳра, хусн ва шинам либос сенинг илк
тавсифномангдир. Буни ақл бошқарса, унда сенинг адабий
тавсифноманг бўлади.

* * *

Ҳаётингдаги жўшқин ҳаракатни сусайтириб қарияпман
дедингми, демак шу кундан бошлаб қарияпсан.

* * *

Қариликда соғ-саломат ,тинч ва хотиржам яшаяпсанми,
демак билгинки, сен ҳар доим ёшлигинг олдида қарздорсан.

* * *

Қариликда ёшликдан кўра кўпроқ ишлаш керак.

* * *

Оилада тинчлик бўлмаса сиз ўзлигинлигини сарҳисоб
қилинг. Одамни одам дейиш учун Аллоҳ берган қуйидаги
одатларига эътибор беринг: феъл-атвор, ҳулқ, табиат, ҳавас,
ирода, бағри кенглик, қатъиятсизлик, бўшанглик, заифлик,
қайсар, бад феъл, кўпол, ҳасислик, гердайишлик, ҳасад ва
ҳоказоларни таҳлил қилинг. Шулардан қайси бири сизда бор
ва ўзлигинлигини англаг.

Инсон қалби саҳий ва меҳрли бўлса, тангри унга
қариганда бахтли ҳаёт ва хотиржамликни ато этади.


* * *

Юзидан нур ёғиладиган маданиятли инсон, аксарият
нодон бўлмайди.

* * *

Қалбингиз ғам-алам билан тўлганда, жисмоний меҳнат
қилинг.

* * *



Тоза кийим бил,
рухинг давоси.
Яхши суҳбат,
дардинг давоси.

Сендан кўра ақллироқ- аммо ночор, сендан кўра нодон-
аммо бой. Бирини кўриб фикр қил, иккинчисини кўриб
шукр қил. Шунда ҳаётингдаги ўз ўрнини билан қувонасан.

* * *

Ғам-алам гирдобда ҳаёл сурсангиз, у сизни ваҳималар
жарига йўллайди. Бунинг учун чора-тадбир изланг ёки очик
ҳавода бошқа мавзуда суҳбатлашинг.

* * *

Ҳамкасбларинг сендан ўзиб бой бўлиб кетганда қалбинг
ёришса, сен яхши одамсан.

* * *

Сени ҳеч ким ҳавас қилмаса, билгинки, сен ишёқмассан.

* * *

Ҳаммага ёқимли бўлишга интилиш нотўғри ҳислатдир.

* * *

Сени билганлар ичида мақтаниш кулгилидир.

* * *

Ҳеч нарса билан шуғулланмаслик , бекорчилик – азобку.

* * *

Бир кунлик бекорчиликдан чарчайман.

* * *

Бахтли ва бахтсиз кунларингда ўта зийрак бўл.


* * *

Иродасиз оғир кунларга кўникади, иродали бахтли
кунларга интилади.

* * *

Бахтли ва бахтсиз кунларни Худонинг синов кунлари
эканлигини унутма.

* * *



Бахт бозордан олинадиган неъмат эмас, у ҳаёт ташвишларини енгаоладиганларга насиб этиши мумкин.

* * *

Ҳамма ғалабаларга ўзлигингни билгандан кейингина эришасан.

* * *

Инсон ҳаётининг суръати- унинг ҳулқида.

* * *

Инсон феъл-атворини мукаммал билиш қийин.

* * *

Уят, ҳаё ва номус инсонниг энг улуғ бойлигидир.

* * *

Насл-насабингни покланишини ва фарзандларингни доно бўлишлигини хоҳласанг, аёлинга севги ила кўшилишдан олдин қалбинг билан танангни 90 кун поклашинг керак.

* * *

Қилган яхшилигинг рўёбга чиқса, бир неча кун қалбингда қувонч янграйди.

* * *

Маъсулиятни ҳис этмасдан ўз ҳуқуқинг учун курашсанг, демак сен боқимандасан.

* * *


Инсон шунчалик мураккабки, уни бир кўришда билаолмайсиз. Ундаги сиполик, самимийлик ёки сохталик либос билан ўралган бўлади, унинг барча феъл-атворини яширади.

* * *

Ҳар доим “хўп” демасдан, вақти келганда одилона “йўқ” деяолган одам ҳурматга сазовордир.

* * *

Ўзингга раҳимдил бўлма, ўзингни аяма, шунда юрак ҳам сени амрингга мослашади. Акс ҳолда, ишёқмаслар султони бўласан.



* * *

Ўз хатосини тан оладиган, ўзига танқидий ёндашаоладиган одамгина бировнинг хатосини кечиришга қодир.

* * *

Эзгулик билан яшасанг, хавф-хатар сендан узоқлашади.

* * *

Ўзлигини билган масъулиятли инсонгина кўкка кўтарилади.

* * *

Раҳбарда хато кўп бўлса, демакки унинг султонлари бор.

* * *

Бошқалар хатосидан ўзингникини изла, топ ва йўқот.

* * *

Мени ҳурмат қилишсин десанг, ўзлигингни англа.

* * *

Фавқулотда бўладиган муаммони зудлик билан ҳал этишига қараб, одамнинг феъл-атворини билса бўлади.

* * *

Ҳақоратнинг энг оғири, ҳеч ёмонлик қилмаган одамдан эшитишдир.

* * *

Ҳамма нарсани сир тутишинг мумкин, аммо виждонинг олдида ошқорсан.

* * *

Инсон виждонсиз бўлиши мумкин, лекин жамият виждонсиз бўлмайди.


* * *

Виждон азоби саратон касаллигидек нобуд қилиши мумкин.

* * *

Жамият келажагининг кўзгуси- виждон қонунларидир.

* * *



Насл-насабинг билан дўстларингни айт, сенинг кимлигингни айтаман.

* * *

Инсонни виждон безайди.

* * *

Иродангни қўлга ол, виждонинг эса сенга хизмат қилади.

* * *

Жиноят қилганнинг ҳақиқий гувоҳи унинг виждонидир.

* * *

Ўта аҳмоқларгина виждон азобини сезмайди.

* * *

Виждонсизни “кўзини очиш” учун виждонсизлардек азоб бериш керак.

* * *

Енгил мусиқани кулоқ билан эшитсангиз, мақомларни қалб билан тинглайсиз.

* * *

Суҳбатларда шахсиятга тегувчи мисол – воқеаларни айтма, акс ҳолда эшитувчилар ичида шунга тегишлиси мулзам бўлиши мумкин.

* * *

Маънавий етук бўлай десанг, миллий мумтоз куй ва ғазаллар, ҳамда Оврўпо симфонияларини қалбга сингдиришинг лозим.


* * *

Мақомларни тинглаб “эй воҳ”, дея хаётинг мазмунини фалсафий таҳлил қилиб сархисоб қиласан, фикрлайсан ва ўзлигингни анлайсан, яхши ниятлар ила келажак сари режалар тузасан.

* * *

Сен ўзлигингни одамлар билан мулоқатда бўлсангина англай оласан.

* * *



Ўзлигингни билсанг
Ўзгарма хар махал,
Лаганбардор ва таъмагир
бўлма хеч махал

Сахийлик қилишни кўп пайсалга солмасдан
бажаришнинг савоби кўпдир.

* * *

“Усти ялтироқ, ичи қалтироқ” деганда, шинам кийинган,
кўпол, баджаҳл одамни тушунмоқ керак.

* * *

Ташқи гўзаллик вақтинча, қалб гўзаллиги эса бир умрга
берилади.

* * *

Тил битта, кулоқ иккитадир, шунинг учун кўп эшитиб,
кам гапирмоқ лозим.

* * *

Ўз ғояларингни шаҳсан ўзинг тажриба билан амалда
синасанг, ўзлигингни англайсан, завқланасан.

* * *


Дангасага енгил иш йўқ, унга ҳамма иш оғир.

Мўъжиза дарҳақиқат бор. Уни матонатли, руҳи равшан
одамлар яратади. Мўъжизани аксарият, ўзи кўрмаган
воқияларни бўрттириб, далилсиз сўзлайдиганлар ҳам бор.

Мухтож оилани бахтли бўлишига сабабчи бўлдингми,
сен ҳам бахтли бўлишга, ҳурматга лойиқсан. Руҳинг равшан
бўлади, қалбинг қувнайди.

Фақат гўзалликка қараб баҳо берувчи-кўр.

Лагамбардор- хушомад ва мақтов сўзларини минбардан
айтмайди.



Бахслашувда, аксарият кўпол муомалали ютади.

Бахтли бўлишдан аввал бахтли қилишни ўйла.

Ҳалол меҳнатдан чарчаб ухлашлик ҳам ибодат экан.

Биринчи бор мураккаб муаммони ечишда қатъиян ва зудлик билан қилган қарорингиз ижобий хулоса берса – демак сиз ақлли экансиз.

Хаётида мухтожлик кўрган одам бадавлат бўлганида хайрли ишлар қилишга интилади.

Хатоинг топ,

енгил тортар ҳам дилинг.

Шуни билгин,

этма ошкор сирларинг.


Аксарият одамлар юраги бетламаган ишни, шахсий манфаат бўлсагина бажаришга киришадилар.

Меҳр кўйган одаминг сени рухий азобга кўйса, унинг фарзандлари меҳрсиз бўлади.

Ўзлигингни билмоқчи бўлсанг, ўз фаолиятингни бошқаларники билан таққосла.

Одамларга керакмисан, демак сен тириксан ,яъни из қолдириб яшаяпсан

Мансабдасан хаммага кераксан, мансабдан кетдинг эътибор камайди. Демак айб ўзингда,ўйла ва айбингни топ.Шундагина яна хаммага керак бўласан.



* * *

Хамма вақт биринчилар қаторида бўлиш қийин ,аммо одамийликда бир умр олдинда бўлишга интилинг.

* * *

Хавф-хатар ўтгандан кейингина,қўрқоқ ўз “ботирлиги”ни кўрсатади.

* * *

Мутлоқ сир сақлаш қийин.

* * *


Одамларни овқат ейишига қараб, уларни феълига ва маданиятига баҳо бериш мумкин.

* * *

Нодонни сояси - нодон эмас , букрни сояси - букр. Сояга қараб баҳо берманг.

* * *

Отим Эркин – эркин эмасман.



ДЎСТ, АЁЛ ВА ФАРЗАНДЛАР КИМ

Аёллар ақллироқдир, агар улар ўзидан ҳам ақллироқни севсалар.

* * *

Қўполлик- қалбни нопоклигидан нишона.

* * *

Тилла юқори ҳароратда эрийди, эркаклар аёллар қўйнида ”эрийди”, аёллар ЭРНИНГ ЭРКАЛАШИДА ВА ТИЛЛА ТАКИНЧОҚЛАРДА “эрийди”.

Енгилган аёл қирқ эшакка ортилган макр-у фитнани ишлатабошлайди.

Гул хонангизни беаганидек, яхши фикрли ва ниятли аёл қалбингизни ёритади.

* * *

Аёлларни она бўлгандан кейингина қалбдан тушунабошлайсан.

Севгилингдан ажралсанг ,ёшлигингдан ҳам ажраласан.

Вақтни режасиз сарфлайдиган одамни ҳеч вақти бўлмайди. Унинг вақти кийиниш, овқатланиш, уйқу ва баъмани сўзлару фикрлашларга ёки бақрайиб хаёл суриб ётиш ва ҳаддан зиёт ойнаи-жаҳон, радио олдида ўтиришга сарфланади.

* * *


Муаммоларни ечишда, айниқса, тижоратда учта нарсага риоя қилинг:

-самимийлик,

-ҳалоллик,

- фойда қилиш.

* * *



Кўпни билгандан кўра, кўпни қилгин.

Қанчалик фарзандингизга меҳрибон бўлсангиз
аёлингиздаги севги шунчалик кўпаяверади.

Эркаклар келинни хусни-жамолига, аёллар унинг
кийимига қарайди. Бу инсонга бериладиган юзаки баҳо.

“Ишқи йўқ эшак, дарди йўқ кесак”
дейдилар. Дархақиқат, ишқи йўқ-нодон, дарди йўқни хайвон
деса ҳам бўлади.

* * *

Самимий табассум билан ёндашиш суҳбатдошингиз
қалбига йўл очади.

* * *

Ақлан фикрламасдан қилинган ҳазил билан дўстликга
раҳна солиш мумкин.

* * *

Аския ва ҳазилнинг таъсирчанлиги ҳар хил тоифадаги
одамлар ўз аксини кўра билишлигидадир.

* * *

Сизга ҳазил аччиқ ботса, жим турганингиз маъқул.

* * *

Шахсиятга тегадиган ҳазил қилманг.

* * *


Меъёридан ошган ҳазил гаримдоридек аччиқ ботади.

* * *

Қарзлар ичида энг муқаддас ва яхшиси ота-она олдидаги
бурчни одилона бажаришдир.

* * *

Ота-она учун учта фалокат бор: ўлим, қарилик, ва ёмон
фарзанд. Биринчи ва иккинчисига даво йўқ, учинчисидан
фақатгина фарзанднинг ўзигина қутқараолади.



* * *

Фарзанд нигоҳидан унинг қувончи ва ташвишини ота-онадан бошқа ҳеч ким сезмайди.

* * *

Фарзанд учун энг катта гуноҳ—Аллоҳ қаҳри, ота норозилиги ила уни оқ қилганлигидир.

Она қалби булоқ сингари тошиб турувчи мўъжизадир.

* * *

Ёмон фарзанд ота-она ўлимини тезлаштиради.

* * *

Ота-онасининг ҳурматини билмаган фарзанднинг оиласи тез бузилади.

* * *

Бозорга кирганда биринчи нарсани ота-онангга ол. Шунда фарзандларингдан қайтади.

* * *

Фарзандлар билан иноқликда яшаш ҳам санъатдир.

* * *

Фарзанднинг ота-онага қўполлиги уларнинг руҳини поймол қилади.

* * *

Ота-она билан сирлашувчи фарзандлар кам бўлади.

* * *

Доно келин келса- ўғил сеники, акси бўлса- ўғил бегона.

* * *

Она бошқарадиган оиладаги қизни ота бошқарадиган оилага бермаганингиз маъқул.

* * *

Маънавияти ва бойлиги ҳар хил бўлган оилалар куда бўлмагани маъқул.

* * *

Севги ва муҳаббат ҳиссиёти бўлмаган одам ғафлат гирдобада яшайди.



* * *

Келин-куёв гўзаллиги бирхил бўлса яхши. Ҳар хил бўлса ёмон.

* * *

Рашк – қалб азобининг онасидир.

* * *

Ҳар томонлама онгли одамда рашк бўлмайди.

* * *

Кўпгина эрлар ўзларида йўқ яхши фазилатларни хотинларидан талаб қиладилар.

* * *

Исботсиз рашк-нодонлик.

* * *

Эрни келажаги учун курашмайдиган хотин уни орқага тортади.

* * *

Ёши улуг эрнинг ёш хотинини тўла қониқтиришга уриниши хавфлидир.

* * *

Чолга турмушга чиққан аёл -энагадир.

* * *

Бола гўё тасвирга олувчи ва магнитофондир. Хамма “совуқ” фазилатларингизни катта бўлганида қўйиб беради.

* * *

Бола тарбияси ва қайсар аёлларни бахтли қилиш, жамиятни бошқаришдан ҳам оғир.

* * *

Ота-она бўлиш осон, аммо ота-оналик қилиш қийин.


* * *

Талабчан онгли ота юзта ўқитувчидан афзал.

* * *

Талабчанлик билан ўз ўрнида танбеҳ бериш болани бузмайди, аммо, ёлғончилик уни бузади.

* * *



Ўз ёшлигини унутгандан тарбиячи чиқмайди.

* * *

Болани ёшлигида чиниқтирган маъқул.

* * *

Болалардаги шўхликни сўндирсангиз, унинг келажагига соя солган бўласиз.

* * *

Талабчанлик ва раҳмдилликнинг чегараси бўлмоғи лозим.

* * *

Болалар ҳамма вақт ўзларига “иш” топадилар, бизнинг вазифамиз уларга тўғри йўл кўрсатиш.

* * *

Бола тарбиясида ўнта насихатдан кўра, бир марта ўрناق бўлиш яхши.

* * *

Оилага файзу -барака беришда, энг биринчи одам доно аёлдир.

Доно аёл бўлмаган оилада тартиб, режа ва файз бўймайди, бундай шароитда доно эр файласуф бўлади.

Кўр севгига қанчалик тўсиқ бўлманг, севги ҳиссиёти шунчалик ортаверади.

* * *

Илк севги -океанда адашган кемага ўхшайди.

* * *

Асл севги, жиноятнинг олдини олади.


* * *

Севгига даво кўп, аммо биронтаси ҳам даволай олмаган.

* * *

Асабни қайнатувчи ва сўндирувчи ҳам- аёлдир.

* * *



Савги йўлида одамлар ўзларини ўлимга тиккан, хозирчи?

* * *

Эрини пиру-бадавлат қилаётган аёллар хаётини обдон ўрганинг ва уларни эҳтиёт қилинг.

Эркакка ўхшашликка интилган аёлда хаё, жозиба ва ифбатлик йўқолади.

* * *

Севги йўлидаги қахрамонликка- аёлларга етадигани йўқ.

* * *

Эҳтиросга берилманг, онгсиз севгининг жилови, сизнинг иродангиздир.

* * *

Ҳақиқий севги сирлари муқаддасдир.

* * *

Дўстинг хатосини ўзига айт, аммо ҳамма олдида мақта.

* * *

Дўстнинг қувноғи ва суҳбатлашадигани яхши.

* * *

Бола тарбиясида, тарих сабоқларига асосланган учта даврни унутманг.:

- бола 6-7 ёшгача – подшо (тушунтириш даври);

-7-15 ёшгача – қуллик (фикрлаш ва талабчанлик даври);

-16-21 ёшгача- ўртоқлик ва суҳбатдошинг (маслаҳатлашиш, биргаликда қарор қабул қилиш ва фикрлаш даври).


* * *

Кундалик кичик муаммоларни ҳал этишда аёл маслаҳатига амал қил, катта муаммоларни ечишда ўз фикрингдан қолма.

* * *

Душманингни ўзингдан кўра ақллироқ деб бил.

* * *



Болалигингни эслаб дам олмоқчи бўлсанг,
мактабдошларинг билан учраш.

* * *

Камчиликсиз дўст изласанг, дўстсиз қоласан.

* * *

Қариликда “аразлашиб” юрган ҳамма дўстларингнинг
камчиликларини кечир.

* * *

Дўстликни сақлаш учун уни дилингда ҳам ҳасад
қилма, даврада ҳавас сўзларини айт.

* * *

Дўст сендаги ғамни камайтириб, ҳурсандлигингни
оширади.

* * *

Дўст тасодифан пайдо бўлмайди. У йиллар давомида
ўртоқчиликдан кейин пайдо бўлади.

* * *

Ака-ука жигарлар орасида дўстлик ҳам бўлса,
ажралмайдилар.

* * *

Ҳақиқат ҳукм сурган жамиятда яшашга қизиқиш ортади.

* * *


Аччиқ ҳақиқат бор, чучуги бўлмайди.

* * *

Аҳмад Яссавий, Алишер Навоий, Бобур, Абдулла
Қаххор, Абу Наср ал-Форобий, Абай Қунонбоев, Абдулла
Қодирий, Тохир Малик, Эркин Воҳидов каби буюк
аждодларимиз угитларига риоя қилган уйдан жиноятчи
чиқмайди.

* * *

Инсоният яратилибдики, жамият дангаса ва жоҳиллар
билан курашади, аммо улар йўқ бўлмайди.
Демак, фарзандларингизни ёшликдан бошлаб меҳнат билан
чиниқишига эътибор беринг.



* * *

Ёшликни, севги онларини, ота-она ва болалигимизни эслатувчи мусиқа қалбга роҳат боғишлайди.

* * *

Айрим ҳозирги ёшлар мақом куйларини ёқтирмайдилар, бу маънавийт бобидаги ишларимизни сустлигидир .Ёшлар енгил ва кулоқни ёрувчи куйларни эшитиб “енгил” бўлиб кетмоқдалар.

Ота-она бағридаги фаҳм-фаросатсиз қиз, келин бўлгандан кейин сарамжон, фаросатли ва одобли бўлибти десалар ишонманг.

* * *

Ўғилларингдан аразлама, акс ҳолда келинни қизлик давридаги алохида яшаш орзуси амалга ошиши мумкин ёки улар биргаликда сендан узоқлашади.

* * *

Фарзанд гўё ҳазина, унга яхши тарбия берсанг, қариганингда сенга маънавий ва моддий бойлик ҳадя этади.

* * *

Фарзандинг ноқобил бўлдими, сабабини аввало ўзингдан қидир.

* * *

Болани эркалаб тарбия қилдингизми – у сизга меҳрсиз бўлади.

* * *

Бола тарбиясида қаҳр тилда, меҳр дилда бўлмоғи лозим.


* * *

Ўз манфаатингни кўзлаб бошқа одамларнинг тинчлигини бузиш одобдан эмас.

* * *

Ота-онасининг дуосини олган одамдан фалокат узоқлашади.

* * *



Фарзандни эркалаш деганда- тегишли меҳнат қилмайдиган, болага мошина, уяли телефон, тансиқ овқатларга ўргатиш, айтган кийимини муҳайё қилиш, ўта шинам хона ажратиш, ҳамма гапларига ишониш, ўқишига ҳар хил йўллар билан ёрдам бериш, кийимларини ювиб, дазмоллаб қўйиш, дўқ-пўписа билан гап қайтаришларига эътибор бермаслик ва ҳуллас, боланинг барча салбий феъл-атворига чидашни тушунмоқ лозим. Ҳаёт чакмоқларида чиниқмаганбундай фарзанд келажақда ҳаётнинг мураккаб жумбоқларини ечаолмай бахтсизликка тўқнашиши мумкин.

* * *

Дининг, тилинг ва урф-одатларинг ўхшамаган макон Ватан бўла олмайди.

* * *

Одамларни камситиш бир куни фалокатга олиб келади.

* * *

Гўзаллик битта, ёқимли бўлиш имкониятинг мингта.

* * *

Ташқи ва қалб гўзаллиги, ёқимли овоз ва чиройли қадди-қомат инсоннинг ҳаёт йўлини енгиллаштиради.

* * *

Ҳаёт ишлаш бола-чақа орттиришгина эмас, балки солиҳ-солиҳа фарзандларни тарбиялаш, жамият учун фойдали ишларни қилишдир.

* * *


Жаҳондаги барча буюк ихтиролар, дабдабалар ва фалокатлар бошида аёл иштироки бор.

* * *

Оиладаги муаммоларни сабр-тоқат ва донолик билан ҳал қила -оладигани, аёлларнинг энг яхшисидир.

* * *

Хотинингни қўриқла, асра лекин тўла эркинлик берма.



Ҳар бир аёл феълида тарбияланмаганяширин
исъёнкорлик бор. Афсус, бу уни бахтсиз қилишини ўзи
билмайди.

Қизнинг бахтсизлиги ота қалбининг яраланганлигидир.

* * *

Аёлнинг энг катта бойлиги, эрининг унга бўлган
самимий муҳаббатидир.

* * *

Меҳр-мурувватли инсон гўзалларнинг гўзалидир.

* * *

Биргина тартиблиэрнинг кўнглини ололмаган аёл
аёлми?

* * *

Аёл оиладаги ночорликка қарши курашувчи аскардир.

* * *

Эрлар уйда хизматда, хотинлари эса ишда, бозорда. Бу
эркаклик мақомини сустлашиши, пасткашлик ва
орийятсизлик эмасми?

* * *

Аёлларни қийқириб, қаҳ-қаҳа билан кулиши, уларни
жуда ёқимсиз қилади.

* * *

Дўстлар даврасидаги ҳазил меъёрида бўлмаса,
эътибордан қолиш ҳеч гап эмас.

* * *


Каккайган хотин бир кун бахтсиз бўлиши ҳам мумкин.

* * *

Мантиқсиз ва бачкана кулиш ва беъмани ҳазил қилган
одамни “совуқ” ёки “ёқимсиз одам”- дейдилар.

* * *

Ёшлар тарбиясида одамнинг яхши томонларини
кўпроқ таърифланг, ёмонлигига изоҳ бериб тушунтиринг.



Ёшликдан болани “аҳмоқсан” десангиз, дарҳақиқат у аҳмоқ бўлади.

* * *

Ҳарбир талабани бўлажақда вазир, давлат арбоби , йирик тадбиркор ёки олим деб билинг, уларга шуни айтинг, яхши ниятлар орзусида меҳнат қилишга ўргатинг.

* * *

Вақти-вақти билан танангни тозалаганда, ақл ва феъл-атворингдаги нуқсонларни серҳисоб қил ва ювиб ташла.

* * *

Ҳамма нарсада ва ҳамма вақт биринчиликка интилиш яхши, лекин бир кун келиб ўрнингни ёш авлодга биринчилардан бўлиб ихтиёран беришни ҳам унутма.

* * *

Дангаса одам ўзининг дангасалигини билмайди, у ҳеч қачон орзу-ниятларига эришаолмайди.

* * *

Ният ва орзуларингни асосла, шундагина унга эришасан.

* * *

Энг буюк ихтиролар анчагина содда бўлади.

* * *

Бир одам икки миллат соҳиби бўлиши мумкинми? Ҳа! Бунинг учун она ва бошқа миллат тилини билиш кифоя.

* * *

Иккинчи тилни ўргансанг, ўша миллат сени ўз бағрига тортади.


* * *

Янгиликларни кўра туриб, олдинга интилмаслик, орқага юриш билан баробар.

* * *

Чуқур фикрлаш фазилати бўлмаган ёшлар меъмор, олим, қурувчи ёки раҳбарлик лавозимига яқинлашмагани маъқул.

* * *



Қурувчини ҳамма нарсани билиши шарт эмас, аммо
қурилиш ашёси билан бинонинг пишиқлигини билиши
шарт.

* * *

Истеъдод соҳиби бўлиш учун қалбингизда завқ ва
билим бўлиши керак.

* * *

Амалиётсиз ўқиш гўё пуч ёнғоқдир.

* * *

Ҳақиқий ўқитувчи билим беришда илм ва фанни яхши
эгаллаган бўлиши шарт, тарбия беришда эса болалигини
эслаш зарур.

* * *

Билимингиз юқори бўлсагина талабчанлик ярашади,
лекин меъёридан ошмаслиги керак.

* * *

Меҳнаткаш одамда учта энг катта ютуқ бор: бири уни
зерикишдан, иккинчиси ҳаётдаги муаммолардан,
нуқсонлардан ва учинчиси муҳтожликдан қутқаради.

* * *

Мақол ўқувчини фикрлашга ундайди.


* * *

Миллат ва ҳалқнинг буюклиги унинг ўтмиши билангина
эмас, ҳозирги кундаги оламшумул ишлари ва фаровонлиги
билан ҳам аҳамиятлидир.

* * *

Ҳаёт – боғларда сайр қилиш эмас. Ҳар доим ҳаракатда
бўлиш, йўқотиш, янглишиш, ташвишлар гирдобида бўлиш,
тўғри йўлда яна янглишиш, бўхтон ва ғийбатларга дуч
келиш, бузиш ва қайта қуриш ҳаёт мазмунидир ва шуларни
ақлан фикрлаш, муаммоларни ечабилиш одамни
чиниқтиради, кейин яшаш осонлашади, фаровон ҳаёт
бошланади.

* * *



Ёшлар шинам кийинишдан олдин фикрлашни ўрганиш,
ўз мускулларини ўстириш, баданларини соф ва тиник
қилишлари керак.

* * *

Ҳаётнинг асл маъносини тушунмаган одамгина
мазмунсиз ўтган дақиқаларга ачинмайди.

* * *

Ҳамма нарсани билишга интирманг, аммо мақсад сари
йўналиш сирларини билишингиз шарт.

* * *

Ёшларни яхши йўлларга бошлашдан кўра, ёмон йўлга
бошлаш осон.

* * *

Ўқисанг ва амалиётда синаб кўрсанггина, сенда ғоялар
туғилади.

* * *

Бирон соҳани мукаммал билмасанг, уни танқид қилишга
уринма.

* * *

Ҳар бир бунёдкор ва халқ фидойисининг руҳий
кечирмалари ва маънавияти, жамоанинг руҳи ва ҳаёт
фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлмоғи лозим.

* * *

Меҳнаткаш одам зерикишни тасаввур эта олмайди.

* * *

Дангасалик -энг буюк ихтиро ва ғояларни ўлдиради.


* * *

Ҳаракатчанликдан дангасаликка ўтиш қийин эмас.

* * *

Аксарият, инсон ўз билимининг пастлигидан эмас,
иродасизлигидан эзилади.

* * *



Вақт дўстлик ришталарини янада маҳкам боғлайди,
ёшликдаги ихтиросли севги эса аста секин сўниб,кейин
ўзаро тушиниш даври бошланади.

Қизни камчиликларини билишни истасангиз уни
дугоналари олдида мақтанг.

Ютуқларга қанчалик кўп эришсангиз асл дўстлар сони
кўпаймайди.

Жўшқин ва ёнувчан феълли одам ақлли бўлса ҳам,
дўстликни абадий сақлай олмайди.

Фарзандларингизни феъл-атвори ва хулқи яхши
бўлишлигини ният қилсангиз, уни 2-3 ёшигача алла ёки
мумтоз куйлар оҳангида ухлатинг, 6-7 ёшгача эса асло
асабини бузманг, ўзини айби билан йиғласа овутманг,
фақатгина табассум ва осойишталик билан тушунтириб
тарбияланг.

Таълимни аслида мақолларни таҳлил қилишдан
бошланг.

Фарзандларга ёшлигида тўғри сўзлашга ўргатилмаса,
келажак ҳаётида ташвишлари кўп бўлади.

Ўта қобилиятли, истеъдодли фарзандларни тушунишга
ҳаракат қилинг. Уларни феъли ва дунёни тушуниши
бошқаларникидан фарқ қилади. Қайси йўналишга қизиқса,
унинг ҳаётий фаолиятини шу йўналиш бўйича олиб боринг,
тарбияланг.



Ёшлигимни эсласам,
унга қайтгим келаверади.
Дўстлар даврасида,
ўша шўхликлар бўлаверади.
Хомушсан дўстим,
хаёл паришон бўлмасин.
Эслаб турсанг ёшликни,
яхши дам бўлаверади.

Доно мақоллар талабаларга ўқиладиган “Маънавият ва маърифат” маърузалари учун дастури амал бўлиши керак.

Дўстлар икки хил бўлади: вафодор ва самимий дўст,
иккинчиси ғайри дўст.


Хасад қилувчилар орасида тилингни тий.

Уйда тинчлик ва ўғлингни меҳрибон бўлишини
истасанг, келинингни мақтаб тур.

Маслаҳат қилишга кўп бола тарбиялаб, пиру-бадавлат
яшаётган, ҳеч кимдан қарз олмайдиган, доно-улуғлар олдида
бор.

Барча севишганлар орасидаги севги ва қасамлар, орзу-
умидлар рўёбга чиққанда эди, хамманинг асли хаёти
фаровон бўларди. Аммо, беъайб парвардигор дейдилар

20 ёшингда сезгирлик, хис-туйғу органлари уйғонади,
30 ёшда истеъдод ва талант уруғлари унабошлайди, 40
ёшдан кейин ақл билан фикрлаб орзу-хавасларни амалга
оширувчи кучга эга бўласиз.



Дўсту- ульфатларга вафодор сардор бўлсанг, улуғ ишларга ҳам қодирсан.

Улуғ ёшга етганда ҳам болалик феълени унутманг, ёшлигингизни эсланг, руҳий дам оласиз.

Эркаклар аёлдан холисона кетиши мумкин, аммо, аёллар эса ёмонлик қилиш ниятида эркакни камситади, бўхтонлар уйиштириб эл назаридан қолдиришга интилади. .

* * *

Аёлингиз нодонлик қилса, унга қўшилиб лақма бўлманг. Акс холда эрлик мақомингиз йўқолади ёки аёлингиз ётадиган кўрпачага айланасиз.

Харбир аёл эрини авлодидан “совитиб” ўзиникига “иситабошлайди”, лақма эр эса устози, ака-ука, хатто онасидан совийбошлайди. Аммо, бу билан эркак ўз аёлини унинг яқинларидан ажратаолмайди. Ким лақма?

.....

Аёли пошнаси остидаги эрларга раҳмим келади.


Хаётда севиш ва севилиш бир мартда бўлмайди.

Ёшларни турмуш куриши арафасида ёлғон кўпаяди. Ўзаро камчиликларни сезганда ҳам бу ҳаммаси эмаслигини назарда тутинг.

Севгининг бошланғич аломати: йигитларда эҳтиётлик, қизларда дадиллик.

Кулги қуёш каби одамлар кайфиятини чароғон қилади.

Бахт -бу самимий севиш ва севимли бўлиш, шунингдек ўзаро тушунишдир.



Фарзандли бўлгандан кейингина оила деса бўлади.

Аёл макри: Эр авлодини жўшқин мақтовлари орасида бир луқма нуқсонларини ҳам айтиб ўтади. Луқма эр эса айнан шу нуқсонни ёдида сақлайди.

Солиҳа аёл бўлажак куёвни бахтли қиламан, деб ният қилади, бошқаси эса бахтли қилишни талаб қилади.

Ота-онадан миннатдор бўлмаган ўғил, бегонадан ҳам ёмон, жиноятчи. Онага нисбатан эътиборсиз, лаёқатсиз бўлиши кони гуноҳ.

Севгилингизни муҳаббатини қозонмоқчи бўлсангиз, унга нисбатан эътиборсизроқ бўлинг.

Сени тушунган одам билан узоқ муддатга сафарга чиқсанг зерикарли бўлмайди.

Ўз эри ва оила сирларини бегона эркакга айтган аёлни йўлдан оздириш осон.

Аёл қалби билан севса, у атрофдаги нигоҳ ва ғийбатлардан ҳам қўрқмайди.

Подшони эрка аёли: “Сизга тегиб нима ҳам кўрдим” деган экан. Аёлларнинг бахти муҳит ва муомилага кўра ўзгараверади. Бахтли аёллар ҳам йиғлайди.

Аёлларни мақсадга эришишидаги кураш маҳорати эркакларникидан кучли.



Аёллар эътибори ва муҳаббатига сазовор бўлиш учун, аввало сўзлаш ва кийиниш маданияти, кейин ақл-идрок, хотам бўлиш керак. Қўполлик, манманлик бўлса аёлни камситган бўласиз. Ёдингизда бўлсин “Дунёни аёллар бошқаради” дейишади.

Аёл кўнглини олишни билмайдиган эркак юқори мансабларга кўтарилаолмайди.

Аёлларни тушуниш учун ақл бошқарувида фикрлаш ва сабр-тоқат керак бўлади.


Аёл севгисига муяссар бўлиш – санъатдир.

Одамлар орасида,
 тилингга берма эрк.
Гапирмасдан аввало,
 гапириб ол дилингда,
Сўзларинг мазмунида,
 гина-гашта бўлмасин,
Нутқинг бўлсин сермаъно,
 қолмагин ҳеч армонда.

Боймисиз, фарзандларингизни бировгина мухтожликда хам тарбияланг. Кейин сизни бойликда боқади.

Келдинг-кетдинг дунёдан,
 бирон – бир из қолдирмай,
Бу ҳаётнинг акси урар,
 фарзандлар мақсадга етмай.

Қиз боланинг одоби-камтарин, фахм-фаросатли, пок ва ҳаёли бўлиб вояга етишидадир.



Ҳаё пардаси билан ўралган аёл-гўзалдир.

Аёлларноёбдори – босимниоширади, ҳамтуширади.

* * *

Фарзандинга бермадингми ,
нону,аклу-шон.

Бел остию-устига,
буйин эгдинг нодон.

Хаётинг мазмунсиз ўтди,
билмадинг шу он.

Дунёга келдинг-у кетдинг,
номинг ўчди шу он.

* * *

Қалбдаги севги учқуни, орзу-хавас ва фикрлаш
боғининг бахоридир.

* * *

Умрни ғам билан ўтказгандан,
Рўзғорни бутламай яшагандан,
Болалару-онадан гап эшитгандан,
Мехнат ила ўқиб бой бўлган яхшироқ.

* * *

Оталарни хафа қилманг,дилига озор берманг.Улар
кечиради,аммо ёдидан кўчмайди.

* * *

Эркакдир аёлга уйида мехри оқибат бўлмаса уни
кўчадан қидиради.

* * *

Японлар ёш болани оила подшохи деб биладилар, аммо
у ўз айби билан аянчли йиғласа ҳам ҳеч қачон овутмайдилар
ва эркаламайдилар.

* * *

Дўсти кўпни душмани ҳам бўлади.

* * *



Дўстни насли-насаби улуг, ”кўзи тўк” ва улфат кўрганлар ичидан қидир.

* * *

Душманингни дўсти билан сирлашма.

* * *

Ота-она маънавий бой бўлса - фарзандлар учун у, ахлоқ - одоб ва билим хазинасидир.

* * *

“Болалигим ростгўйлигим “

дедилар,

Улғайдим ,

”ростгўйлигим қани” дедилар.

* * *

Ёшлик-тавақалчилик. Қарилик - мужмалчилик.

* * *

Қийинчилик ва фаровон ҳаётни кўрган, ҳақиқий ишқ азобини тортганлар билан дўстлашса бўлади.

* * *

Сир калити- бу кўз билан кўриб қулоқ эшитади, ақл торозида тортилади, сўнг юрак дарвозаси очилиб ишонч калити билан сирлар дафтарчаси варақланади. Уни фақатгина ҳақиқий дўстгина ўқишга лойиқ.

* * *

2 чи – 2 олса – жимлик;

5 чи 2 олса- шов – шу.

* * *

Қувноқ оила даврасида , мусиқа оханглари ва самимий дўстлар билан еган овқатингиз тез хазм бўлади.


* * *

Аёларни тушунинг. Улар хохласа бир зумда кулади ва ўша захоти кўз ёши қилиб йиғлаш қобилиятига ҳам эга.

* * *

Енгилган аёлдан эҳтиёт бўл.

* * *



Ўғри –“Молингни ёки жонингни оламан”- деса, нопок аёл “Хаммасини оламан”- дейди.

* * *

Аёллардаги барча гўзаликларни,табиятнинг мужизавий рангларга ўралишини , баҳорнинг майин шаббодасини сезмаган эркакларга ачинаман.

* * *

Архитектура ва дизайн яратган жозибали безаклар-қотиб қолган оромбахш куйни эслатади.

* * *

Ёввойи севги - инсон кўзини кўр, қулоғини кар, ўзини эса девона қилади.

* * *

Севган одамни қоиш, насихат қилиш мумкин, аммо камситиш мутлоқ мумкин эмас.

Севги юк эмас,у сизни кўкларга кўтаради,синов азобларида чиниқтириб жўшқин хаёт бахш этувчи илохий куч.

* * *

Хақиқий севгини билмаганлардан яхшилик кутманг.

* * *

Ёмон йўлга кираётган фарзандингизни хақиқий севги тарбиялаш мумкин.

* * *

Юракдан сидириб ташланган севги уруғи юз йилдан кейин хам униб чиқиши мумкин.

* * *

Севгини кучи харбир рохат дақиқаларидан кейин сусаяди ва оила бахти курашига айланади.

* * *


Хақиқий севги – битта,сохтаси кўп.

* * *

Авваллари “Куёв тўра ўқиганми” деб сўрашарди,хозир эса “мошинаси,алохида уйи борми” деб сўрашади

* * *

Ақл билан эмас, балки феъли ва хулқи мос бўлган одамларгина ўзаро тез дўстлашадилар.



ДОНОЛИК – ОСУДА ХАЁТ ПОЙДЕВОРИ

Донолар хақида бисъёр сўзингиз,
Аслида билимдон , доно сўзингиз,
Ҳамиша саломат бўлинг дун”ёда,
Мазмунли умрингиз бўлсин зиёда.

Махмуд Юнусов.(Раджабий)

Донолик чексиздир, бунинг учун умр буйи хаётдаги кузатувчанликни ақл бошқарувида фикрлаб, онгни ўстириш керак.

Онг бошқарувидаги чидамли ва сабр-тоқатли одамни доно деса булади.

Хар хил шароитда, турлича феъл-атворли инсонлар билан келиша- оладиган одамни доно деса бўлади.

Доно бўлган саринг, кўп нарсада билимсизлигингни сезасан.

Доно одам олим бўлиши мумкин, лекин ҳамма олимлар хам доно бўлавермайди.

Доно учун афсусланиш бир марта булади.

Сир сақлашлик донолик аломати.

Бегона мақтаса сени,

ёқиб қолар ақли уни.

Донолар мақтаса сени,

яхши одамсан, билгин буни.

Доно билан фикрлашсанг дилинг қувнайди, руҳинг
равшан бўлади.

Виждоннинг амри билан хатоларни тан олиш донолик
ва покликдан нишонадир.

Донода бор чегара, нодонда бўлмайди.

Доно сўзлари қиска мисоллар билан тасдиқланса, унинг
мохияти ортади.

Донолар ёлғон сузловчини кўзидан биладилар.

Доно бўлиш учун ҳамма нарсага фикрлаш орқали
эришиш мумкин.

Ақли ва доно одамлар билан суҳбатда бўлсанг, сендаги
ақл уруғлари хосилга киради, хаётингни яхшилашга
киришасан.

Чуқур ва доно фикрлашни ўргандингми, у ақл билан
кўшилиб сени улуғ ишларга етаклайди.

Ўзингга керак нарсани мухтожга ихтиёрий бердингми,
демак сен сахий, маънавий етук одамсан.

Мансабидан ғурурланган ва такаббур одам ҳеч қачон
доно бўлмайди.

Ўзи, дили ва иши пок одамгагина донолик ярашади.

Бахтсизликда табассум билан сўзлашаоладиган, ғам-ташвишда матонатли бўлаоладиган ва онгли фикрлаш учун куч топаолган одамлар донодирлар.

Хазил билан жиддийликни ўз ўрнида ишлатаолиш, доноликдан нишона..

Афсуски, айрим одамлар доно фикрларини жиноий ишларга ишлатадилар.

Ақлли, кўпни кўрган донолар даврасида бўлсангиз, Сиз бойлик хазинасидан бахраманд бўласиз.

Қандай Дахолар ва буюк инсонлар раҳматли бўлдилар, демак ўлим ҳақ, ундан кўрқманг, Аллохнинг ҳукмига доим тайер бўлинг. Нақшбандий тариқати билан яшанг.


Доноликнинг асосида сабр-тоқат ётади.

Қариликда доно бўлсанг, у сенга роҳат бағишлайди.

Нодонга қарилик – вақт,
Жаҳолатга қарилик – қиш,
Илм аҳлига қарилик – Олтин мерос,
Донога қарилик – бахт.

Ғам, ташвиш, алам билан тинчлик, хотиржамлик- бу ҳаёт мезонидир. Уни мувозанатда ушлаб туриш сизни донолигингизга боғлиқ.

Сухбатингга интилувчилар кўп бўлса, билгинки, сен доносан.



Гапиришни ҳамма ҳам билади, аммо ўз вақтида жим туриш ва керакли маслахат бериш доноликдан нишонадир.

Ажралган доно дустлар қариликда топишадилар.

Гўзаллик билан донолик сизга насиб этган бўлса, сиз яхшиларни яхшисидирсиз.

Бағри кенг, меҳрли, доно одамнинг юзидан нур таралади.

Қарилик- фалсафий фикрлаш гирдобида яшамокдир.

Бу баданга сингган оқилу доноликдир.

Худодан берилган ақл бўлмаса, бировнинг ақли билан узоққа бораолмайсиз.

Виждон бўлмаса, ақлнинг ҳам кераги йуқ.

Нодонларгина хазилни чин деб биладилар.

Нодон , донолар суҳбатида жим ўтиришидан бошқа иложи йуқ.

Даҳолар овқатнинг қули бўлмаганлар.

Баданга сингмаган овқат одамни ейди.

Озгина очлик, ҳаракат ва юриш инсонни фикрлашга чорлайди.

Жуда оғир кунларда ҳам яшашни бил.

Қарз икки хил бўлади:-моддий ва маънавий. Инсон бу ёруғ дунъёга келиб ота-она етаклаб улғайдик, билдик, ўргандик ва амалиётда қўлладик, доно бўлдик-маънавий қарзга ботдик. Энди қарзларни тўлашга шошилинг-ёшлар кутяпти. Қарз билан бу ёруғ дунёни ташлаб кетмайлик.

Мол-дунё мерос бўлиши мумкин, аммо бахт эмас.

Инсон бой бўлиш учун эмас, бахтли бўлиш учун курашмоғи лозим.

Очликдан ўлаётганга бир бурда нон берсанг ўзини бахтли деб хис этади. Аслида шу бахт учун курашиб нон топгангина бахтлидир.

Сайёз дoston мазмунини бир мақол билан ҳам ифодаласа бўлади.

Халоллик ила пири бадавлат ва иззат-хурматга эришдингми, демак ақллисан.

Хатога йўл кўйдингми, демак фикрлашда заифлик бўлган.

Сухбатдош сўзини бўлмай, сабир билан эшитишни ўрган.

Виждон ва сўз эркинлиги бўлмаса, хақиқатга яқинлашиш мушкул бўлади.

Масъулиятли бўлиш учун интизомли, ишчан, ўзингизга нисбатан шафқатсиз бўлинг.

Хаёт ўлчами неча йил яшаганингиз билан эмас, қилган фойдали ишларинг билан ўлчанади.

Ўтган умринга назар сол, файдали ишлар қилмаган бўлсанг демак, “ўликсан”.

Киноя ёки танқидни хазил тоифасида, таббасум ила айтилса, ўртада “совуқ” мухит бўлмайди.

Сўзлашаётганда овозингни баланд-пастлигига ва охангига эътибор бер.

Қасам ичганда оила ва ватанни гаровга қуйиш хоинликдир.

Фикрлаш ва унинг эркинлиги мутлақ даҳлсиздир.

Билимнинг илк вазифаси хақиқатни англашдир.

Хар бир миллат учун ўз она тили улуғдир.

Ўзбек тилида туғри талаффуз билан хар хил охангда ўқисангиз, мусиқани эслатади.

Хақиқий нотик бўлай десанг, дилингдаги фикрингни қоғозга ёз, кейин эса содда сўзлар билан изоҳла.

Кенг фикрни қиска қилиб ёзиб, уни эшитувчига етказибилиш нотикликдан нишона.

Маърузада жуда ахамиятли ва иккинчи даражали маълумотлар бўлади. Уларни хар хил охангда сўзлаш ва хаётий мисоллар билан тасдиқлаб, соф она тилида равон ўқиган маърузангиз эшитувчи хотирасидан ўчмайди.

Нотиклар икки хил бўлади: виждонли ва нопок. Хақиқатни яшириб, ёмонни яхши дейишга интилан нотик – нопокдир.

Китоб ўқиган сари Сизда минглаб янги ғоялар, орзу-умидлар, келажак сари интилиш пайдо бўлади.

Танага- бадан тарбия, ақлга -ўқиш бўлса, сизда фикрлаш қобилияти ўсади.

Китоб ўқиганда ундаги воқеаларда қатнашиб, саёҳат қиласиз ва чуқур фикрлашга ўрганасиз.

Китобда ғояларни яратувчи уруғлар хазинаси бор.

Китобни улуғлаган оилада маънавият ҳукум суради.

Ўқиш учун ўз феъл-атворингиз, хулқингиз ва дунёқарашингизга ҳамоҳанг бўлган китобни танланг.

Китобни кўп ўқиган билан ундаги сабоқни амалда ишлатилмаса, уни ўқишга не ҳожат.

Фикрлаш қобилияти бўлмаса, китоб ўқишнинг нафи бўлмайди.

Билими тор одамларгина Аллоҳ муъжизаларига ишонмайдилар.

Хаёт ташвишларини билмай фақат китоб ўқиб, доно бўлган одам анқовни эслатади, чунки ундаги фикрлаш чигаллашган бўлади.

Маданиятли бўлай десангиз, энг аввал қуръонни ва хадисларни ўқинг.

Худога тилингиз ва либосингиз билан эмас, калбингиз билан ишонинг.

Асабни бузмасдан илм чўққиларини эгаллай олмайсиз.

Сени тўғрингда яхши фикрлар бўлишини истасанг, ўзинг тўғрингда ҳеч нима дема.

Хомаки доно меъеридан ортиқ бой бўлса, яна бой бўлай дейди.

Қўшнини овқати болалар учун мазали.

Билимли ва доно одамлар суҳбати ва маслаҳати ёшларга ёқмаяпти.

Ким билса амалда кўрсатади, билмаса оғзаки ўргатади.

Доно ва яхши хулқли одамларни феъли, кайфиятга кўра ўзгармаслиги керак.

Ўзлигини билган ёқимли, юмшоқ феълли одамлар билимли доно бўладилар. Қолганларини феъли ниқобланган, ечсанг ҳақиқий билимсизлиги, нодонлиги очилади.

Сени ташвиш қувлайди, қачон сенга бахт насиб этади; бу ўзингга боғлиқ. Руҳий азобдасиз, уйқусизлик, паришонлик ва фикр алангасида ёнаяпсиз: нима қилиш керак, илож тополмаяпсиз. Шунда фикрланг, ақлга дам

беринг ва ақл бошқарувидаги бир-икки “мурувватни” олиб қўйинг.

Доно одамлар кўрсатмаси ёки маслаҳати бу-назария, уни фикрлаб ҳаётда синасангиз-амалиёт, булардан маънавий ёки ижтимоий манфаат кўрсангиз бу-хулоса.

Қариган дарахтдан нуқсон қидирма. Уни парвариш қилмасанг ҳам мевасининг мазаси ўзгармайди.

Қанчалик доно бўлсанг, қилган гуноҳларинг оқибати шунчалик аянчли бўлади.

Доно одамлар ўзлари бой бўлмайди, аммо бойиш учун имкониятлар яратади.

Ўзликни билиш донолик белгиси.

Доно бўлиш учун олим бўлиш шарт эмас.

Доно ва одил бўлсанг қонуннинг ҳам кераги йўқ.


Яхшиям нодон одамлар бор- яхшилик билан ёмонлик курашида донолар ила ривожланиш кўпаяди.

Доно одам- бахтли кунларда ақлли, бахтсиз кунларда - чидамли бўлади.

Фақатгина китоблардан ақл тўплаб доно бўлолмайсан.

Донолар насихатга муҳтож эмас.

Доно ва камтар одамлар содда бўладилар, уларни камситманг.



Ёшликдаги хатоларни сарҳисоб қилиб, тўғрисига риоя қилиб яшаш доноликдан нишона.

Текин жаннат борку, нега дўзохни сотиб оладилар?.

Илон захри захардан ўлаётган одамни тирилтиради, одамники эса ўлдиради.

Улуғликдан тубанликка бир қадам.

Доно одамнинг фикрлаши денгиз тубидан ҳам чуқурдир.

Нодонлар раҳбари доно бўлса, донолар кўпаяди, акси бўлса нодонлар кўпаяди.

* * *

Инсон сўзи билан эмас, иши билан,
Хусни билан эмас, меҳри билан қадрлидир.

* * *

Инсон ҳеч қачон бойликка туйган эмас.

* * *

Орзу билан фикр бўлса ёнма-ён,
Мақсад учун интил шу замон
Халоват бўлмасин тушмасин руҳинг,
Пок бўлсанг хаётинг бўлур чарағон.

* * *


Тушкунликка тушиш ақл бошқараётган фикрлашнинг заифлигидир.

* * *

Пиру-бадавлатсиз, келаётган бойлик ва юксалишнинг чегарасини англаш- доноликдир.

* * *

Билимларни мисқоллаб йиғиб олдингизми? Энди уларни ёшларга қайтаришингиз шарт.



* * *

Инсонга тангрим ақл берган экан, у онг ва виждонни шакллантиручи ,рухни покловчи,зехнли,идрокли қилувчи забардаст куч эканки, у тарихда оқ ва қора сахифалар яратувчи инсоннинг илохий йўлларга бошловчи Аллохнинг машъали экан.

* * *

Бу дун’ё театр сахнасини эслатади.Шунингдек, у ақл, заковат улашувчи савдо бозори хамдир.

* * *

Ақл шундай бир илохий кучки,у йўқдан бор бўлади,бордан йўқ бўлмайди,уни танаси йўқ, ,аммо билимли кўзлари кўпдир.Қўллари йўқ, аммо сезгир бармоқлари бор,боши йўқдир,лекин заковатли зехни бордир.

* * *

Фикр –ақлни чархлайди.

* * *

Оврупо мақолларидан кўра шарқ мақоллари бой фалсафа билан суғорилган,чуқур мазмун ила инсонни донолик сари етаклайди.

* * *

Донолик ўта ўлкан хазина ва туганмас булоқ.Уни хазон супиришга ,сув сепишга ишлатиш керак эмас.

* * *

Сўз-захар, сўз-қилич,сўз- малҳам


* * *

Сирти кўркам,файзли,юзида нури бўлган одамлар-безори бўлмайдилар.

* * *

Донолик-ёлғизликка малҳамдир.

* * *



Ақл- билим калити, билим эса- онг калити.Буларнинг барчаси доноликга озуқа. Донолик-жамиятга озуқа.Жамият-тинчлик гаровидир.

* * *

Ақл,куч,фаҳм-фаросат ва яхши хулқ бўлса-тош кўтариб хам оилани боқса бўлади.

* * *

Жаҳолатдаги маст одам тинчигандан кейингина танбих бериш хам доноликдир.

* * *

Камбағалсан- бой бўлдинг, тухмат бўлди-ўзингни оқладинг,фарзандинг ёки шогирдинг меҳрсиз бўлди-айбни ўзингдан қидир, топ,фикрла, хатоларинг бўлса тан ол; Шунда тақдир сени донолик сари етаклайди.

* * *

Биз муаллифларга “Нега қаримайсизлар?” дейишади. Билмадим десак..Улар: “бағрингиз кенг, кечирувчан, яхшиликлар қилиб яшайсиз, чоғи” Чунки, оқилу-фозил фарзандларимиз бор, уларни кўриб баҳри-дилимиз қувнайди.

* * *

Қалбингизни чулғаб турган айрим фикрларни талабалар билан муҳокама қилсангиз, улар ичида қанчалик кўп истеъдодлиларни кўриб қалбингиз янграйди.

* * *

Донолар маслахати ой нуриддек йўлингни ёритади, фикрлаш учун ёруғ йўл очилади.

* * *

Тақдир – хаёт фаолиятингизни маълумотномасидир.У сизни умр бўйи яхши ва ёмон хаётингизни бошқариб боради.

* * *

“Сендан харакат мендан баракат” дейдилар. Демак хаётингни сархисоб қилиб, хатоларингни тан олиб, ғайратли бўлсанг бу сени тақдиринг.

* * *

“Тақдир эканда” деб камбағаликни тан олиб, ижод қилмай жонингни койитмасанг - хатоларингни кўрмай нодонлик гидобида яшайверасан. Бу хам тақдир.

* * *

Бахтли бўлмоқчимисан – ўзинга ўта талабчан бўл, ўзгалар сўзини эшитишни ўрган. Масъулиятли бўл, ўз феълингни сархисоб қил.

* * *

Бадавлат бўлаяпсанми – зийрак бўл.

ОЛИМЛИК ВА ОЛИМЛАР- РЕВОЖЛАНИШНИ ОНАСИ

Илм сахрода--дўст.
Хаёт йўлларида--таянч.
Ёлғизлик дамларида--йўлдош,ҳамрох.
Бахтиёр дақиқаларида--рахбар.
Қайғули онларда--мадаткор.
Одамлар орасида--зейбу-зийнат.
Душманларга қарши -- қуролдир.
(Хадисдан)

Олимларни асранг

Бўлар экан бир тоифа донишманд, доно,
Улар сўзи бўлар элга машъал доимо.
Рахбарсан сен уларни эъзозла, то бор имконинг
Хазина ила билиму- илмин ол, токи бор жонинг.

Тўғри сўзни айтар сенга, ранжитар улар,
Асли замин тилар сенга эзгу орзулар.
Эсингда бўлсин улар феъли атвори,
Улар учун аямагин ширин сўзниг бол мисоли.

Олимдадир хақиқат фалак таянчи,
Тангри асрасин уни, берма озор у рахбар таянчи.
Халқимнинг бахтидир кўп бўлса олиму фозил
Мустақиллик ниҳоли ўсади, бўлади нозил.

Жахолату рўшноликка, бўлди олим илми нур,
Ёриса у, адашгану нодонлар ўз йулин топур.
Дилингда хам, тилингда койима хеч бир магар,
Билинки уларнинг дил ёши бир ботмон захар.

Қайтараман янада олимни койима,
Илми хақи эъзозла, бер обру шараф бирла шон.
Сўзин-илмин ишлат, хато қидирма
Қади басти, ё феъли-хулқини ёмон, паст дема.

Олим подада йул бошловчи серка мисоли,
Рохат даргоҳига бошласа, бўлмас заволи.
Хақиқий олим бепарводир ўзига
Қараб тургин бўлмасин хамрох дорига.

Агар олим бўлай деб қилсанг ният,
Ироданга, билму-илминга ишон,

Илмий ишларнинг тўқсон фоизи амалда тасдиқланса, у
билимга айланади.

Аксарият нодону аҳмоқлар ўзларини нодон ва аҳмоқ
эканликларини билмайдилар. Олимнинг бир ойлик
маошини бир зумда топаман деган ўғри, ўзининг ақлли
эканлигини исботлашга уринади.

* * *

Олимлар устидан кулувчилар нодонлардир.

* * *

Илмий ишни таҳлил қилиб исботлаш учун ақл, фикрлаш
қобилияти, тажриба ва натижа зарурдир. Шуларни эплаган
одамгина илмий ишлар қилиши мумкин.

* * *

Олимлардан талабимиз битта – ҳақиқатга тўғри
ёндашишдир.


* * *

Фикрлаш доираси тор олимнинг обрўси ҳам тор бўлади.

* * *

Ҳақиқий олим фидойи бўлиши лозим.

* * *



Илмли ва билимли бўлсангина адолатни англайсан.

Ҳақиқат илмий асосланган ва донолар суҳбатидан ўтган бўлсагина у пок ҳақиқатдир.

* * *

Моддий жиҳатдан эмас, балки маънавиятда энг бой одамлар - донолардир.

* * *

Олим энг бой одам, аммо бадавлат эмас.

* * *

Ғоялар кўп, аммо тажриба билан илмий томондан асослангани кам.

* * *

Ҳамма нарса худо томонидан яратилган, аммо бизлар тажриба йўли билан исботлаймиз, ҳолос.

* * *

Ҳақиқий олимларни ўз соҳасининг шоирлари деса ҳам бўлади.

* * *

Шоирона фазилатли одамлардан олимлар кўп чиқади.

* * *

Бош кўтармасдан китоб ўқиб амалда ишлатмаган одам, илм-фан ва амалий дунёдан узоқлашади.

* * *

Билимли, илмли одам ирим-сиримга ишонмайди.

* * *

Табиатни илмий асосда таҳлил қилинг, шунда худонинг борлигига ва унинг мужизаларига ишонасиз.

* * *

Илм-фан изланишларида миллийлик бўлмайди, аммо йирик олимлар миллат фаҳридир. Илм-фанни қўлламаган жамият инқирозга учраши мумкин.

* * *

Илм- фаннинг ривожига ҳақиқий буюк олимлар ва уларнинг амалда яратган йирик ихтиролари билан ўлчанади.

* * *

Музыка ва санъат завоқ-шавқни оширади, ҳақиқий олимга илҳом беради.

* * *

Олим ҳаёл сурмасдан, фикрламасдан ухлайолмайди.

* * *

Орзу-ҳавас, ғоя, билим, фикрлаш ва уларни илмий асослаш олимларга ҳос фазилатдир.

* * *

Аксарият, тасодифий ихтироларни ўткир зеҳнли одамлар яратади.

* * *

Фикрлаш дақиқаларида очликни ҳам сезмайсан.

* * *

Одамнинг фикрлашига ҳамма эркинликлар берилган, шунинг учун ҳам уни бўғувчилар кўп бўлади.

* * *

Билимсиз бўлишингиз уят эмас, аммо ҳамма нарсани биламан дейиш уят.

* * *

Нодон одам чала билимли бўлса, ўзини йирик олим деб жар солади.

* * *

Қанчалик билим сирларини эгаласанг ҳам, билмаганларнинг кўплигини ҳис этасан.

* * *

Ҳақиқий олимда ғоялар кўп бўлади, аммо уни амалга оширувчи имконият йўқлиги ачинарлидир.

* * *

Бошқаларнинг билими ва ғоялари билан яшашлик-ўғрилиқдир.

* * *

Тажрибасиз илмни сафсата деса бўлади.

* * *

Тажриба ғоядан қимматдир. Тажриба билан исботланган ғоя бебаҳо илмдир.

* * *

Сизда мактабдаги билимларни таҳлил қилиш ва фикрлаш қобилияти бўлса, бу олим бўлишингиздан нишона.

* * *

Ўқувчиларга билим бериб , икки марта кўп билим оламиз.

* * *

Олимлар кўп, лекин олимлик маъсулиятини тўла бажарувчилар кам.

* * *

Илмий ғоя натижасини кўра билдингиз, тажрибаларни бошладингиз, ишонч хосил бўлди,қизиқиш уйғонди, демак режадаги ишнинг ярми бўлди деса бўлади.

* * *

Илмий раҳбар ўз шогирдини фарзандидек яхши кўриши шарт.

* * *

Илмий ишнинг аҳамияти ва мақсадини аниқ тасаввур этмасангиз, ҳеч қандай натижага эриша олмайсиз.

* * *

Илмий раҳбар шогирди учун мураббий, маслаҳатчи, ҳамкасб ва меҳрибон бўлиши керак.

* * *

Сабр-тоқатсиз, ўжар , жахлдор одам олим бўла олмайди.

* * *

Илмий иш натижалари замон талабида бўлмаса, бунда айбдор аввало илмий раҳбардир.

* * *

Илмий раҳбар келажак учун долзарб мавзу танлашга қодир бўлмаса, шогирд тайёрламагани маъқул.

* * *

Долзарб илмий мавзунини танлаш ва уни илмий асослашни билиш ҳақиқий олимликдан нишона.

* * *

Илмий ҳулоса бўлмасдан, ҳаммага жар солиш енгилтакликдир.

* * *

Илмий ишда қайғу ва ташвишлар кўп бўлади. Олинган натижалар нотўғри бўлганда ҳам унда янгиликлар бўлади. Қайфиятни тушурмай, завқ билан ишни давом эттириш керак.

* * *

Илмий мавзу долзарб, аммо бу йўлда тажриба ишлари учун энг зарур замонавий асбоб-ускуналар ва хомашёлар бўлмас экан унинг моҳияти сустлашади ва кераксиз ҳам бўлиб қолиши мумкин.

Дангасанинг вақти арзон, олим ва тадбиркорнинг вақти эса жуда қиммат туради.

* * *

Илмий раҳбар ўз илмий йўналишини билимдони ва талабчан бўлса, бу шогирднинг бахти.

* * *

Давлатнинг буюклиги илмда, вайроналиги ва муҳтожлиги эса илмсизликда.

* * *

Шафқатсиз умримнинг,
бераҳм сони,
Ёзган асарларим ила,
ўчмайди номи.

* * *

Китоблар ёздим – устозлик қилдим,
Билдим бахт экан,
Меҳнат қилинг, яратинг,
Хурмату- иззат сизга наҳт экан.

* * *

Олим одам жамиятни,
бойитар
Золим одам ўз халқини,
тойитар.

* * *

Билимли ва маъданиятли одам раҳмсиз бўлса ва
адолатни букса, у одамларнинг ёмонидир.

* * *

Ёш эканман кучга тўла,
пахтани тош айладим.
Илм ичра бой бўлдим,
аммо, бадавлат бўлмадим.

* * *

Қийноқлар қўйнида
зукколар бўлади олим,
Руҳ раҳнамози, файласуф,
аммо бўлмайди золим.

* * *

Меҳр, мурувват ва саҳийлик назарий фан эмас,
амалиётдир.

* * *

Вақт – олимнинг бойлигидир. Уни беҳуда сарфлаш
жамият назаридан қолишдир.

* * *

Буюк алломаларнинг ғоялари ва фикрларини нодонлар
миясига жойласа, улар довдираб кўзи тиниб йиқиладилар.

* * *

Билими паст одамларгина ҳасад касалига гирифтор
бўлиши мумкин.

* * *

Соҳта олимларни ҳамма танийди.

* * *

Олимларга ҳамиша отилади тош,

Ифвогарда ҳамиша ёрилади бош.

Соҳта олим бор жойда илм-фан ривожланмайди.

* * *

Вақтини бекорга кетаётганига хасислик қилган олим,
улуғдир.

* * *

Олиммисан сени одамлар ҳавас қилсин.

* * *

Ҳақиқий олимнинг душмани ҳасадчидир.

* * *

Олимни олим қиладиган 4 та нарса бор:

Онг ила фикрлаш, ирода, фидоийлик ва меҳнатсеварлик.

* * *

Олимнинг маст бўлиши маънавий пасткашлиқдир.

* * *

Лаганбардорликни ёқтирган олим--соҳта олим.

* * *

Мевазор боғни олим десак, унинг боғбони мутлоқ
онгдир.

* * *

Олимнинг олимлиги бахтли ва бахтсиз кунларни илмий
асосда таҳлил қилабилишлиқдадир.

* * *

Олимнинг бир куни нодоннинг минг кунидир.

* * *

Олим ўз ғоялари билан ямас, балки уни татбиғи билан
яшамоғи лозим.

* * *

Ўзлигини билмагандан олим чиқмайди.

* * *

Янги ғоялар яратган олим унинг моҳиятини ўн баробар
кўп билиши керак.

* * *

Ҳақиқатни ҳақиқат эканлигини исботлашда олимнинг
ўрни катта.

* * *

Сохта олимда ҳалоллик бўлмайди.

* * *

Олимни олим деёлмайман, агар у ахлоқсиз бўлса.

Шон-шараф, мансаб ва обрў учун курашаётган сохта
олимлар ҳам йўқ эмас.

Севишганларнинг одилона баҳси – янги севги камари
билан боғлайди.

Ҳақиқий дўстингни химоя қил, шунда сени унинг
бармоқлари ҳам қўриқлайди.

Хаёл суриш, орзу қилиш ва фикрлашни билмасанг олим
бўлаолмайсан.

Хом асарлар суюқ сиёҳда ёзилгандек.

Шарт эмас бу оламда ҳамма
олим бўлишлик,
Аммо, шартдир ҳамма ишни
олимлардек қилишлик.

Илм-фани эгалаганлар ўзлигини англашга қодирдир.

Илмий иш билан банд бўлган дақиқаларида Сизга
фаришталар ҳамроҳ бўлади.

Хақиқий олимларни Аллоҳ улуғлайди.

* * *

Нафақада ўтириб бекор қолган олим-химоясиз гулга ўхшайди.

* * *

Кимки олим бўлишни бойиш учун деб билса, у сохта олим, илмни касб-хунар деб билади, аммо хақиқий олим бўлаолмайди.

* * *

Сохта олимнинг билими ўзи учун душмандир.

* * *

Олим бўлмоқчимисан фидойи бўлмоғинг керак. Илм кудуғини игна билан қазишда сабрли бўлишинг, хузур-халаватдан воз кечишинг, кечки тунларда ҳам фикрлашинг ва ўйлашинг керак бўлади.

* * *

Билимли бўлиш учун фан билан суғорилган хаётингни нозик икр-чикрларини тахлил қилаоладиган ақл керак бўлади.

* * *


Билимсиз одамлар суҳбати –ғийбат ва тутуруқсиз сўзларга бой

* * *

Китоб ва мақолаларни қалбим ила жонимни аямай ёзаман. Ўқувчи қўлига олганини кўриб ўзлигимни англайман, дилим ёришади, қилган меҳнатим рухий шодликка айланади. Эртанги асарларимга яна режа тузабошлайман.

* * *

Билмингизни замон талабида бойитмасангиз, ақлингиз ва фикрлаш қобилиятингиз темир сингари занглайбошлайди.



Ундай қилиш керак, бундай қилиш керак-насихатгўйлик йўналишидаги сўзлар жуда кўпайиб кетди. Аслида муаммоларни амалий ечими тўғрисидаги таклифлар бериш фойдалидир.

ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР ВА БИР ШИНГИЛ ИЖОД ЧИЗИҚЛАРИ

Ўзбек-турк қондош халқ

Ўзбек -Туркни нурли жамоли,
Остонамизга файз берган камоли,
Авлодимизнинг асали боли,
Улуғдирлар улар- олий зодларим.

Чиндан хам валийлар авлодисиз, бўлинг соғ-омон,
Бахтли аждодлармиз ишлашга келди замон.

Навқурон ёшлар қувватга тўлинг,
Авлодимиз ичра сер фикр бўлинг.
Ота-бобою, авлодимиз зотларин оқлаб,
Ўзбегу-Турк чўлларин гулларга буркаб,
Хаёт қучоғида мардона бўлинг.

Насл-насабимиз покдир, бўлинг омон,
Бахт қушин ушлашга келди замон.

Бизлар бир оила меҳр гулшани,
Ака-ука, келинлар диллар сирдоши,
Остонангиз бўлсин меҳр кўрғони,
Қатор ўфилларнинг мангу майдони
Уйлариңгиз бўлсин куйлар макони.

Яшанг қондошлар хамфикр бўлинг беармон,



Хаммангиз ака-ука бўлинг соғ-омон.

Асл фарзандлар Сиз- Бизга хамдард бўлингиз,
Дард келса агар, бизларга малхам бўлингиз,
Биздек устозларни қилсангиз рози,
Халқимиз аро энг улуғ инсон бўлингиз.

Эркин оғага- қирғиз шогирддан

Иссиқ-ота деган жойда,
Етти киши бўлиб камида.
Қутадиқ биз Эркин акани,
Меҳмон бўлган қирғиз элига.

Илм йулин бизга ўргатиб,
Ишимизни элаб хамирдек.
Пиширдингиз бирпасда ака,
Фикрлар хам ёғди ёмғирдек.

Баланд, тоза, салқин тоғ бағри,
Эркин ака сизга куч берсин.
Ирғип-ирғип қувонингиз,
Асл фикр сизга дуч келсин

Ўшал кунни яна соғиниб,
Ойлар ўтиб яна келингиз.
Кутиб олар дўстлар билан,
Ақынбекдек «ёмон» инингиз.

Ташкентге ертең барғанда,
Биздан илиқ салом айтингиз.
Бизларни эслаб, соғинганингизда,

Командировакага тез-тез келингиз.

Ботиркул
Бишкек шахри.

Устоз Эркинжон Қосимовга

Йиллар ўтиб борар, улағайди ёш,
Вақт деган хакам бор замин бағритош.
Бугун шодлигимдан кўзларимдан ёш,
Дийдорга не етсин, эй, азиз устоз.

Фарғоналик шогирди Маматкарим Жўраев

Қовоқ аслида қовоқ эмас

Қовоқ есанг томоғингдан ёғдек ўтади,
Қовоқ яна юз дардинга даво бўлади,
Ўзи арзон хам мазали, баракали,
Аммо, қовоқ борки соғломни касал қилади.

Дейдиларки –“қовоғингдан қор ёғилар”,
Қовоқ солсанг ўз кайфиятинг бузилар,
Қовоғингни оч бахтли онларни эсла,
Қовоқли кўз кўксингни нам қилар.

Қовоқ солдинг атрофинга назар сол,
Ота-оналаринг таббасумин кўр ана,
Қовоқ солиб кайфиятимиз буздинг яна,
Қовоқ солган кунларингни бир сана.

Музыка асбобларидаги сирлар

(катталар учун)

- арфа, бармоғинг тегса куйлайди,
- кларнет, созламаса ҳам куйлайди,
- гижжак, энг ёқимли куй оҳангини тараннум этадиган музыка асбоби, бир минутда созланади узоқ куйлайди,
- роял, тингловчиларнинг кайфиятига қараб куйлайди,
- виолончер, узоқ созланади қисқа куйланади,
- ноғора, карнай. Шовқин – сурон, аммо куйламайди,
- транбром куйламайди, ваҳимагасолади, маҳсулфилофдасақланади.

Илтижо

Аллоҳим. Бу ажиб сирли, шавқатсиз оламни тўлғизган ҳархил бандаларинг эмасми? Бисмиллоҳ ...деб ўғрилиқ қилса, ёқотган эса дарду – аламда бўлганида, ўғри эса фарзандлари халқумини ҳаром қилса. Бири Қуръону калима ўқиб, уни пулига рўзғор тебратиб, уй курса, яна бири Аллоҳ амри билан тарбия бериб ҳаром пора эвазига роҳат ўчоғида яшаса. Шулар сен яратган дилу-тили ҳархил бандалар эмасми. Сенинг маънавий қудратинг менга асли ислом динини янада чуқур англашимга мададкор. Сенга сажда қиламан, сен яғонасан. Сен йўқдан бор қилиб, борни йўқ қилишга қодирсан. Яхши ҳам одамзотни бирхил яратмадинг. Акси бўлганда бой билан бой, хору-зорлар ўртасида қонли тўқнашувлар бўларди. Ревожланиш бўлмас эди.

Аёл ким ўзи?

Бу ривоят фалсафий-маъанавий онгимни тебратиб юборди.

“Аёл ўз эрини еру-кўкка ишонмайди. Бағри чўғдек аланга рашки бутун вужуди ила севар, жуфтини тил остига яшириб қўйган гавхардек сақлар эди. Ёки бир мунчоққа айланса-ю, кўзи қорачиғига жойлаб олса. Аллах амри ила кун келиб эри қазо қилди. У ёнди, қуйди. Баданидаги барча намлик кўз ёши бўлиб кўриди. Умр бўйи рашк билан яшади, рўшнолик кўрмади, рашк, ғам-ташвиши уни букди.

Лахатдаги эри қабрини кучоқлаб фарёд қилди. Кейин энгил тин олди. Каддини ростлади, нималардир деб пичирлади. Кузи ёришди, қабрни кучоқлаб мийиғида табассум ила осмонга боқди. Кейин нима деди дейсизми? Шукр Тангрим деб қабрни кучоқлаб «Энди сени мендан ҳеч ким тортиб ололмайди» деса бўлади-ми.

Уни рашк қилиб адо бўлдинку. Энди уни соғинмайди дейсизми, тириклигида соғиниб яшагандан кўра, рашк ўтида куйгандан кўра ўлганига хурсанд бўлдими бу аёл.

Аёл зоти ким ўзи?

Уни худбин ёки бағри тош ҳам деб бўлмайди, хали бундай айрилик унга кўпдан-кўп ёлғизлик аламларни бериши аниқ. Аммо эрини ерга беркитиб қўйгандан мамнун бўлмоқда. Унинг бундай ахволини қандай тушунмоқ керак?

Аёл ким ўзи? Бир щер ўқиган эдим: Суюкли она бемор, ўлим куни яқинлашган кўринади. Онани кеча-кундуз парвариш қилаётган ёлғизгина фарзанди уйқи ғафлат босиб, уч кун онага қараб уйкусираб она кўкрагига бошини қўйиб ухлаб қолади. Шунда она нима дейди денг: «Аллохим куним битган кўринади, жонимни олсанг хозир ол, юрагимни уришидан болам уйкуси бузилмасин» дея илтижо қилади. Аёл ким узи?

Аёл! Сени вужудингда яна қандай сирлар бор. Айт!
Сени кўкларга кўтарадиган мисраларимга мазмун бер!

Муסיқа -илохий санъат

Оллох Жабраил орқали муסיқа ва созандалик санъатини ерда жаннат қамичидан ясалган кўш найда янграган куй ОДАМ ато танасига сингийди. Инсоният куй садосида яшайди. Шу боис муסיқа инсон қалбини нурафшон қилади, рохат олади, дили қувнайди ва шукроналик ила хаёт берган оллоҳга сажда қилади.

Чувалчангдаги хасад ўти

Чувлчанг ўз устозига хасад ўтида ёнаверар экан. Нихоят чидаолмай илондек узун бўлишни хохлаб чўзилаверибди. Умуртқалари оғриғига чидаб яна чўзилаверибди ва ниҳоят узулиб кетибди.

“Арак” ичишни оқибати

Аёл ўзига ошиқу-беқарор бир тақводор йигитни орзусига эришиши учун 2-та шарт қўйибди. Мени дархақиқат севсанг, биринчидан “мени чўримни ўлдирасан” ёки иккинчидан “йўқ десанг ушбу арақни ичасан”. Тақводор йигит Одам ўлдириш кони гуноҳ дея у арақни ичибти. Кайфи росо бўлгандан сўнг, севгилисини мухаббатини қозонай деб чўрини ҳам ўлдирибти.

Эзмадан дод

Билимли, доно ўзига пок қозига, подшо: “Мени даргохимда қози лавозимида ишлайсиз” деса, қози рози бўлмабти. Сўнг уни бир эзма-нодон махбус ётган зиндонга ташлабти. Бир hafta ўтмай қозилик қилишга розилик билдирибти.

Терговчига...

Махбус ...Рост гапирай десам сиздан кўрқаман, ёлғон гапирай десам худодан кўрқаман....Нима қилай?

Уйимни сотаман..

Уйимни асли бахоси 100 минг доллар, мен сотаман 200 минг долларга. Нега энди? “Чунки, кўшним одил, хам сўзи, хам ўзи пок инсон” дебти.

Жисмонан ўлади, аммо номи ўлмайди.

Олиму-фозиллар илми асарларини миллионлаб йиллардан кейин ўқиган охирги ўқувчи ўлса , шундагина муаллифни ўлди деса бўлади.

Хақиқат...

Хақиқат битта. Аммо, харбир одамни ўз хақиқати бор. Қонуний хақиқат, ёлғонлар хақиқати, ўғрилар хақиқати, адашганлар хақиқати ва х.к. Одил одамлар орасидаги низолар, келишмовчиликлар , ўзаро хафагарчиликлар, қолаверса жамият ва давлатлар аро нохуш вазиятлар- айнан хақиқий хақиқатни хархил талқин қилишдан, ўзаро нотўғри тушунишдан бошланади. Асли хақиқат учун кураш асл дўстларни ажратиб юбориши ёки жамиятлар орасида қирғин уруш,терроризмга олиб келади. “Хақиқат бузулса асабим бузилади” деган сўзларни ўзи асл хақиқатдан йироқдир.Чунки бу Сизни хақиқатингиз , лекин Сиз унинг хам хақиқатини тушунишга харакат қилинг. Афсус, айрим қонун химоячиларни хам шахсий “хақиқатлари” бор. Бир одамни асли хақиқат йўлига буриш мумкин, аммо жамиятни бу йўлга бутунлай буриш катта муаммо.

Мен кимман...

Келажаги порлоқ Ўзбекистон республикасининг оддий фуқоросиман ва бу билан фахрланаман. Деярли барча илмий даража ва унвонлар сохиби эканлигимдан, отам полковник Умарали Қосимов, захматкаш ўқитувчи Фароғат онамни ўғли эканлигимдан фахрланиб Аллоҳга шукроналар қиламан. Аммо уруш даври ва ундан кейинги машақатли хаёт ва етимликни маъпавий –моддий юклари остида бундай даражаларга эришиш ва эл назарига тушиш осон бўлмади....

Ночорликда, айрим яқинларимнинг эътиборсизлигида, то хатто яхшилик қилганларимдан хасад қилувчиларни



тушинишга ҳаракат қилдим, айбни аввало ўзимдан изладим. Уларга Аллоҳдан инсоф сўрадим. Лекин, ҳеч қачон уларга ёмонлик қилмадим. Аммо, талабалар ва шогиртларимга нисбатан талабчанлигимни юқорилигини тан оламан. Уларни ҳаёт синовларидан мувоффақиятли ўтишларида интизомли, масъулиятни ҳис этиш, юқори маданият ва билим соҳибни бўлиш келажакда эл назарига тушишнинг пойдевори эканлигини тушунтириш биз устозлар олдидаги асл вазифамиз эканлигини унитмаслигимиз зарур. Бунга тушунмай мендан ранжиганларни совуқ муносабатларида адолатни буқаётганларни ўйлаб тунни кун билан улаб рухий азоб ила тўлғанардим, ичимга ютардим. Аммо, орани очиқ қилучи совуқ суҳбатларни қилмадим.

Мен ҳаётдан нолимадим, фақат шукр ила сабр қилдим. Рухий азоб ва аламларимни меҳнату-ижод ила енгдим, ҳаётимдаги ёқимсиз дақиқаларни унитишга ҳаракат қилдим. Вужудимда таъмагирлик бўлмади. Илмий ва баъдий ижодимни ҳалол остонадан бошладим. Шогирдларимга ҳалол ва ҳавас билан меҳр бердим. Дўст ва биродарларимга меҳр ила ўз қалбим кўрини улашдим. Ҳаммага яхшилиқ қилиш ҳаётим мезони бўлди. Лаганбардорлик билан ғанимлик қилмадим. Одамларга табассум ва меҳр билан қўл узатдим. Уларни бағримга босиб сўрашдим. Менга нисбатан ҳасад қилувчи ғанимларни дўстга айлантиришга эришдим. Аллоҳга минг бор шукурлар бўлсин.

Шукуроналикка 7 сўз

Шукуроналик бу фақат тоат-ибодат ва намоз ўқишгина эмас. Бу ҳаёт. Бу сизнинг фаолиятингиз. Умр бўйи қилган яхши-ю ёмон ишларингизни Аллоҳ назлидаги торозида тортиб тақдир деб аталмиш қисматингиз Шукуронасидир. Шукуроналик бу “тақдирим шу экан, берсанг ейман,

бермасанг ўламан” дегани эмас. Шукуроналик бу “Сендан ҳаракат ,мендан баракат” мақоми билан ҳалол меҳнат ва яна меҳнат қилиш демакдир.

Шукур қилиш-аслида ўзингдан кейин яқинларингни яхши ёмон кунларини сарҳисоб қилиб фикрлаш ва бирини кўриб сабр қилиш иккинчисини кўриб шукур қил деганидир.

Ҳаётимиз сабр қилиш онларига бой.

Ота-она ва боболаримиз шунга ўргатган. “Бойларга ҳасад билан эмас, ҳавас билан қараб фикрла” деб онгимизни бойитган. Фарзандларимизни маърифат йўлида, асл маънавият даргоҳида онларини чиниқтиришга эришишимиз зарур.

Умид ва эзгу ниятларимизни рўёбга чиқазган тангрига минг бор шукур. Фарзандларинг шунчалик ақл-ҳуш соҳиби бўлиб, ҳавас қилгудек муҳит яратиб, шукурона ҳаёт қилишлари, ҳамма орзу қиладиган бундай гўзал юртда юрганлигимиз, узоқда ёки уйда бўлса ҳам оилаларини мукамал қилиб қўйганликлари, ўзаро жигарларига боҳоликудрат меҳрибон бўлиб турганликлари, бағри кенг саҳий ва раҳимдил фарзанд насиб этганлиги билан ҳудога яна бир бор шукур қиламиз. Уларни Аллоҳ асрасин.

Иншаоллоҳ, тангрим, ёшларни асра, қайноқ ва бетинч ҳаётларини янада мазмунан баркамол қил. Оилаларига ўзлари бош бўлиб, қўша-қариб, пир-у бадавлат бўлишларида ўзинг раҳнамо бўл. Омин.

Аммо, бундай жўшқин ва бешавқат ҳаётда янада хотиржам яшаш ва бадавлат бўлиш учун ақл билан мулоҳаза қилишга эътибор қилинса, тангрим имкониятлар доирасини янада кенг очиб беришига ишонаман.

Суҳбат ва фикрлашда оғирроқ бўлишни унутманглар.

Ҳудо берган ақл-заковат, ишбилармонлик, ғайрат, мақсад учун оҳиригача курашиш, тавакаллик билан иш юритиш, ҳотамлик ва бағри кенглик каби ҳислатларни

ҳаётда тадбиқ қилаоладиган фикрлаш қобилиятингиз борлигига шукур.

Аmmo, асаб ва соғлиқ заҳирасини қарилликка сақловчи интилиш ёшларда етарли эмас. Сизларга ёқмаган вазият, сўз, муҳит, шароит ва шу каби икр-чикрлар содир бўлганда ақл билан фикрлаш, шайтонга эп бермаслик янада баркамол бўлса, нур устига нур бўларди. Бирозга “ёниб” кетишлик, бақириқ ёки қўполлик, маъданиятсизлик аломатлари эканлигини унутманглар.

Барчамиз ота сифатида фарзандларимизга берадиган бешта қарзни мукамал бажариб ва тангри олдида иймонимизни покласак, ёшлар қалбида келажакка ишонч туйғуларини янада баркамол бўлишига ишонаман. Ёшлар ҳам, ота-она олдидаги қарзларингизни адо этиш фарз эканлигини унитмасликлари зарур.

Оила-муқаддас. Фарзандлар ақлли-хушли бўлса – улар сени мазмунли тарихинг, таржимаи холинг. Мағрур бўлиб юришинг, эл назарида бўлишинг ва қадди-қоматинг таянчи – ишончли зурриёдларинг эканлигини ёдда тутиш зарур. Буларга амал қилиб яшаш ҳам иймондандир.

Миллатимизни айрим урф-одатлари сизларга ёқмаса ҳам уни ҳурмат қилиш, дилингда бўлмаса ҳам тилингда, қўлингиз кўксингизда бўлса эл назарига тушасиз, ҳамсуҳбатлар қалбидан жой оласиз. Унутманг, ҳаёт бу – театр сахнасидаги ўйиндир. Ролни қойил қилиб ижро этган соҳиби инсон ҳаёт юлдузи даражасига кўтарилади.

Ҳаётимизнинг қувончи сизлар- фарзандларимиз, набира ва авараларимиздир. Сер фикр ҳаётимизда “игна билан ер қазигандек” меҳнат ҳосиласида эришган обрўйимиз сизларники. Ҳарбир яратган асарларимиз, мақола ва китобларимиз, шогирдларимиз, умуман олганда барча хайрли ишларимиз салмоғи сизнинг ҳаётингизга мазмун ва барака берса, демак бизнинг фаолиятимиз изсиз бўлмаганлигига тангрига яна минг бор шукур қиламиз.

Назаримда, ақли расо доно одамлар фақат эзгу ниятлар билан яшайди, фақат яхшилик қилиш уларнинг ҳаёт низоми бўлиб қолаверади. Ҳасад қилувчи ёки душманларимиз бўлган бўлса, ўзимизнинг феъл-атворимиз ва самимий ҳурматимиз билан уларни ҳолис биродар бўлиб қолишликларига эришамиз, албатта.

Ёшларни ҳаёт фаолиятида, биз туфайли маҳалла ва ёру-биродарингиз олдида ҳижолат бўлмаслигингизга эришаоламиз деган умиддамиз.

Азиз ёшлар, бундай сўзларни ҳамма вақт ҳам эшитавермайсиз. Воҳоланки, буни ҳамма ёшлар ўқиб рия қилса, барака ила пиру-бадавлат бўласизлар деган умиддамиз. Омин.

Яна бир сўз: жиловланмаган кайфият билан яшаш жуда оғир, у соғлиқни кемиради. Кайфиятни бошқариш ўта муҳим масала. У яхшими ёки ёмонми, одамлар ҳамма вақт табассумингизни кўришсин, ширин сўз ва донолигингизни шайдоси бўлишсин. Шунда ишларингизда ва ҳаётингизда барака бўлади.

Бундай сўзлар хазинаси чексиз.

Қўнглимдаги яна бир сўзни айтай: аёлларга муносабат! Вояга етган аёл нодонлик қилса, дўқ-пўпса ёки кўпол насиҳат билан йўлга солаолмайсиз. Уларни фақат эркалаш, ширинсўз, осоишта келишув ва амалдаги ҳаёт тажрибаларидан мисол ва ривоятлардаги ҳақиқат билан кўндиришингиз мумкин. Лекин, эркалаш ва ўз йўлингизга тушириш пул ёки ҳаддан ортиқ совғалар билан эмас. Аёлларда ҳавас кучли бўлади, уни кўча ва ишхонадаги енгил-елпи сўзлар ҳам йўлдан оздириши мумкин. Подшонинг хотини ҳам “сизга тегиб нима кўрдим”, деган экан. Буни тагида чуқур фалсафа бор. Фикрланг, ўйланг, ҳаётингизда зришган обрўйингизни гулдек асранг. Ишончимиз комил, Сизлар Президентларимизни халқимиз фаровонлиги йўлидаги орзуларини амалга оширишда

миллатимиз шону-шуҳратини кўкларга кўтарасизлар, ота-боболаримиз ўғитларига роя қилган холда, республикамиз ривожига ўз хиссангизни қўшасизлар. Пиру-бадавлат бўласизлар.

Омин.

МУНДАРИЖА

СЎЗ БОШИ
МУҚАДДИМА
ИНСОН МАЪНАВИЯТИНИНГ СИРЛАРИ
ИҒВОГАРЛИК ВА ЁЛҒОНЧИЛИК — ЖАМИЯТ
БУЗҒУНЧИЛАРИ
ТАЪМАГИР ВА ПОРАХЎРЛАР — КОРРУПЦИЯНИНГ
БОШИ
КАМТАРЛИК ВА БАҒРИ КЕНГЛИК — ОНГ ВА
МАДАНИЯТ ОНАСИ
ҲАСАД БИЛАН ЭМАС ҲАВАС БИЛАН ЯШАНГ
УСТОЗ — БИРЛАМЧИ, ШОГИРД — ИККИЛАМЧИ
ЖАҲОЛАТ – ҒАМ ТАШВИШЛАР КЕЛТИРАДИ.
ЎЗЛИГИНГНИ АҚЛ ИЛА ЎРГАН.
ДЎСТ, АЁЛ ВА ФАРЗАНДЛАР КИМ
ДОНОЛИК — ОСУДА ХАЁТ ПОЙДЕВОРИ
ОЛИМЛИК ВА ОЛИМЛАР- РИВОЖЛАНИШ ОНАСИ
ИБРАТЛИ РИВОЯТЛАР ВА БИР ШИНГИЛ ИЖОД
ЧИЗИҚЛАРИ



Эркин Умарали ўғли (Иркин) Қосимов Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, Москва Халқаро инженерлар Академияси мухбир аъзоси, Техника фанлари доктори,



профессор. Қозоғистон Республикаси Архитектура ва қурилиш Академияси ва Қирғизистон Республикаси Қурилиш, транспорт ва архитектура давлат университетлари фахрий профессори. 757 дан зиёди илмий, услубий мақолалари ва оммабоп бадиий асарлари чоп этилган. Булардан ташқари 39 та монография, дарслик ва ўқув қўлланмалари, 22 та муаллифлик гувоҳномалари, 2 та патентлар муаллифи. Марказий Осиёда қурилиш ашёлари йўналишида биринчи фан доктори ва профессоридир. Унинг илмий раҳбарлигида 3та техника фанлари доктори, 30 та фан номзодлари диссертация ёқлаган. Шунингдек, турк ҳамкасб олимлар билан биргаликда 25 йил давомида Ихтисослашган Илмий кенгаш аъзоси сифатида ўнлаб илмий кадрлар етиштиришга ҳисса қўшди ҳамда 15 дан зиёд қурилиш ашёлари йўналишида илмий-амалий ва бадиий асарлар яратилди.

Севган машғулоти. Давлат ва динлар тарихи, шеърят, санъат, шахмат, доно одамлар суҳбати.

